БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 32
22 МАРТ
ДУШАНБА
1954 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

Мамлакатда ғалла етиштиришни кўпайтириш ва янги ерларни ўзлаштириш вазифаси бизнинг олдимиздаги ғоят муҳим вазифа бўлиб, халқ хўжалигида катта аҳамиятга эгадир. Бу вазифанинг муваффақиятли бажарилиши аҳолининг озиқ-овқат блан, енгил саноатнинг хомаш'ё блан та'минланишини яна кўп даража ошириш имконини беради.

(Ўртоқ Н. С. Хрушчёв докладидан).

Мамлакатда ғалла етиштиришни янада кўпайтириш тўғрисида ҳамда қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш тўғрисида

КПСС Марказий Комитетининг Пленумида ўртоқ Н. С. ХРУШЧЁВНИНГ 1954 йил 23 февральдаги доклади)*

Қишлоқ хўжалиги тормоқларини планлаштиришнинг ба'зи масалалари

Планлаштириш масалаларида Марказий Комитетнинг сентябрь Пленумида гапирилган камчиликлар ва хатолар жуда секинлик блан йўқотилаётганлигини қайд қилиб ўтиш керак.

Планлаштиришнинг ҳозирги мавжуд практикасида айрим қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштириш кўпинча иқтисодий ва тупроқ-иқлим шароитларига тўғри келмаётир, шунингдек қишлоқ хўжалигининг турли тормоқларини олиб боришда маҳаллий аҳолида ҳосил бўлган тажрибаларга тўғри келмаётир.

Биз бу Пленумда шу масала устида ўз истакларимизни айтишимиз лозим. Мен ҳам ба'зи мулоҳазаларни муҳокама тарақасида айтиб ўтмоқчиман.

Маҳаллий ходимлар бизда планлаштириш ҳаддан ташқари марказлаштирилиб юборилганлиги тўғрисидаги масалани жуда тўғри қўймоқдалар. Бундай марказлаштириш мавжуд имкониятлардан фойдаланишга халақит бермоқда, колхозчиларнинг ижодий ташаббусини бўғиб қўймоқда ва уларнинг ҳосилни оширишга бўлган манфаатдорлигини сусайтирмоқда. Менингча, бу мулоҳазалар э'тиборга олишга арзийдиган мулоҳазалардир.

Шу нарсани эслатиб ўтайки, партия Марказий Комитети ва ҳукумат дон экинларининг ҳосилини яна кўпайтириш соҳасида колхозчиларнинг ташаббусини ривожлантириш, айрим дон экинларини экишни планлаштириш учун колхозчиларнинг жавобгарлигини ошириш ва планлаштириш ишига колхозчилар кенг оммасини жалб қилиш мақсадида 1939 йилдаёқ қарор чиқариб, ўша вақттача давом қилиб келган тартибни бекор қилган эдилар, чунки шу тартибга кўра, ҳарқайси дон экинини экиш учун колхозларга албатта алоҳида-алоҳида план берилар эди. Ўша қарорда белгиланган тартибга кўра, колхозларга тегишли экинларнинг ҳосилидан давлатга ғалла топшириш мажбуриятларини бажаришни та'минлаш шарти блан тупроқ-иқлим ва хўжалик шароитларини ҳисобга олиб, дон экинлари экиш планини ўз ихтиёрларича тақсимлаш ҳуқуқи берилган эди.

Планлаштиришнинг бу тартиби Госплан ва қишлоқ хўжалик министрликлари томонидан кенг суратда ишлаб чиқилиши ва қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришининг ҳамма тормоқларини планлаштиришда татбиқ этилиши керак эди. Ҳақиқатда эса, бунинг тескариси бўлиб чиқди. Илгариги тартибга қараганда, катта афзалликларга эга бўлган бу тартиб Госпланнинг ва қишлоқ хўжалик министрликларининг иш практикасида назар-э'тиборга олинмади ва ҳақиқатда амалга оширилмай қолди.

Биз планлаштиришда шундай тартиб ўрнатишимиз керакки, бу тартиб қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга планли равишда раҳбарлик қилишга давлат қўлида сақлаб қолган ҳолда жойларнинг ташаббусини кучайтириб юборишга имкон берадиган бўлсин.

Қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришини тўғри планлаштириш қишлоқ хўжалигига яроқли ернинг ҳарбир 100 гектаридан энг кўп миқдорда маҳсулот олишга ёрдам бериши лозим. Келгусида бизнинг планларимизда бу принцип ўз ифодасини топиши керак ва бу тўғрида пухта ўйлаш керак. Шу блан бирга, ўзибўларчиликка йўл қўйилмаслиги лозим, давлат қишлоқ хўжалик маҳсулотини муайян миқдорда топшириш топшириқларини белгилаб, областьлар, ўлкалар ва республикалар учун ҳал қилучи кўрсаткичлар бўйича ишлабчиқаришни планлаштириш лозим.

Айрим экинлар экиладиган майдонни, масалан, қанд лавлаги, пахта, зигир, ток экиладиган майдонни кенгайтириш зарурияти пайдо бўлиб қолган тақдирда, ҳукумат шу экинларни экиш учун топшириқлар белгилаши лозим. Бундай ҳолларда қарор қабул қилинади ва бу қарор районларга, машина-трактор станцияларига, колхозларга ма'лум қилинади.

Госплан ва қишлоқ хўжалик министрликлари бу масалаларни жиддий равишда ва синчиклаб ўрганиб, зарур таклифларни тақдим қилишлари керак.

Чорвачилик тормоқларини жойлаштиришни планлаштиришдаги камчиликларни ҳам тузатиш керак. Бу соҳада ҳам анча-мунча хатолар бор. Бирнеча мисол:

Ери қоратупроқ бўлмаган зонадаги бирқанча областьларда яхши табиий пичанзор ва ўтлоқларга эга бўлган ҳамда силос қилинадиган экинлар, картошка ва илдизмева экинлар экиш учун, бинобарин, сутли чорвачиликни тез ривожлантириш учун қулай шароитлари бўлган колхозларда сигирларнинг сони секинлик блан кўпайтирилмоқда ва урушгача бўлган даражага ҳали етгани йўқ.

Шу блан бир вақтда, мана шундай областьларда қўйчиликни ривожлантириш планлаштирилган. Ҳолбуки қўйчиликни ривожлантириш учун зарур шароитлар йўқ. Архангельск ва Вологда областьларидаги колхозларда сигирларнинг сони 1954 йил 1 январьда 1940 йилдагига нисбатан 87—83 процентни ташкил қилган, қўйларнинг сони эса урушгача бўлган даражадан 25 — 10 процент ошиб кетган, Владимир областидаги колхозларда қўйларнинг сони ҳатто 86 процент кўпайган.

Шу нарсани айтиб ўтиш керакки, ери қоратупроқ бўлмаган доирангир ҳаммасида — сутли чорвачиликнинг мана шу жуда муҳим районида — қорамолларнинг сони урушгача бўлган даражага нисбатан фақат 5 процент кўпайган, қўйларнинг сони эса, 55 процент кўпайган. Шу зонадаги кўпгина районлар сермаҳсул қўйчиликни ривожлантириш учун ячалик яроқли бўлмаганлигига қарамай, қўйларнинг сони шуқадар кўпайиб кетган. Ери қоратупроқ бўлмаган зонадаги колхозларнинг 1953 йилда давлатга топширган жуни мамлакат колхозларида жун тайёрлаш планининг фақат 3 процентини ташкил қилди. Шу сабабли, шу районлар учун қўйларни кўпайтиришни албатта планлаштириш керак эмас. Колхозлар ва колхозчилар маҳаллий шароитларга қараб ўз хоҳишлари блан қўй боқишлари, айниқса терси пўстинбоп қўйларни боқишлари мумкин ва лозим.

Украинанинг, Краснодар ўлкасининг, Астрахань ва Сталинград областьларининг бирқанча районларида майин жунли қўйларни боқиш анча фойдали бўлишига қарамай, шу районларда қоракўл қўйларининг сонини анча кўпайтириш планлаштирилганлиги унчалик асосли эмас.

Урушгача бўлган даврга нисбатан Совет Иттифоқидаги хўжаликларнинг ҳамма категорияларида қўйлар ва эчкиларнинг сони кўпайиб 91,6 миллиондан 1953 йил 1 октябрьгача 135,9 миллион бошга етди. Ўтган йил биз фақат 230 минг тоннадан сал кўпроқ жун олдик, шу жумладан, 32 минг тоннагина майин жун олдик.

Аҳолига шерсть газламалар сотишни яқин йиллар ичида 2—2,5 баравар ошириш учун мамлакатда жун етиштиришни кўпайтириб, 1958 йилда тахминан 450 минг тоннага, шу жумладан майин жун етказиб беришни 150 минг тоннага етказиш лозим.

Шимолий Кавказ, шунингдек Жанубий Украина, Қуйи ва Ўрта Волга бўйи колхозлари ва совхозлари майин ва яриммайин жун етказиб берадиган асосий зонадирлар, шунингдек майин жунли қўйларнинг зотини кўпайтириб берадиган базадирлар. 1952 йилда мамлакатда етиштирилган майин жуннинг 66 процентини Шимолий Кавказ районларига тўғри келади. Бироқ, бу ерда ҳам жун етиштиришни янада кўпайтириш учун мавжуд имкониятлардан уқадар тўла фойдаланилмаётир.

Шу районларда яйловларнинг тартибга солинмаганлиги майин жун берадиган қўйларнинг сонини кўпайтиришга ва ҳарбир қўйдан олинадиган жуннинг миқдорини кўпайтиришга кўп жиҳатдан тўсқинлик қилмоқда. Яйловларнинг анчагина территорияси сув блан та'минланган эмас, шунинг учун ҳам кўпгина колхозлар ёз вақтида қўйларга сувни ба'зан ўн километрлаб масофадан ташиб келтиришга мажбур бўлмоқдалар.

Яқин йиллар ичида яйловларни сув блан та'миналаш соҳасида катта ишлар қилиш, Шимолий Кавказда, Украинанинг жанубида ва Волга бўйида 2 — 3 минг қудуқ ва сув блан та'минлайдиган—суғориш каналлари қуриш керак.

«Қора ерлар» ва Қизлар яйлови майин жунли қўйчиликни ривожлантириш учун энг қулай ерлардир: қиш вақтида қўйлар шу районларда боқилганида, ҳарбир қўйдан олинадиган жун бир килограмм ва ундан ҳам знёдроқ кўпаяди. Бироқ, бу яйловлардан рационал равишда фойдаланилмаётир.

«Қора ерлар» территориясида ва Астрахань областида унга туташган районларда 13 та қоракўлчилик совхози ва Совхозлар министрлигининг 7 та гўшт совхози бор. Шу совхозларда чорва молларини боқиш учун фойдаланилмаётган ярим миллион гектарга яқин яйловлар бор. Қоракўл қўйларини Астрахань областидан Қозоғистонга кўчириш, қоракўлчилик ва гўшт совхозларининг территориясидан майин жунли қўйлар боқиш учун фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бунинг натижасида майин жунли қўйлар боқиладиган яйловларни кўпайтириб, 3 миллион гектарга етказиш мумкин бўлур эди.

Маҳаллий ташкилотларнинг ва Иттифоқ Қишлоқ хўжалиги министрлиги ходимларининг шу масалани ўрганишлари натижасида ма'лум бўлдики, Шимолий Кавказ зонасида ҳамда Волга бўйи ва Украина районларида қўйларнинг сонини 4 — 5 йил ичида кўпайтириб, 32 миллион бошдан 51 миллион бошга етказиш мумкин, жун етиштиришни, асосан майин ва яриммайин жун етиштиришни 68 минг тоннадан 1958 йилда 160 минг тоннага етказиш мумкин.

Олтой, Красноярск ўлкаларидаги, Омск ва Чита областьларидаги, Бурят-Мўғулистон АССРдаги ва Сибирьнинг бошқа районларидаги кенг ер майдонлари мазкур районларда майин ва яриммайин жун ҳосил қилинадиган иккинчи база вужудга келтиришга имкон беради. Майин жунли қўйлардан ўрта ҳисоб блан 4 — 4,5 килограммдан ва яриммайин жунли қўйлардан 3—3,5 килограммга етказиб жун қирқиб олиш мумкинлигини Сибирьдаги кўпгина илғор колхозларнинг тажрибалари яққол кўрсатиб турибди.

Қозоғистонда ва Ўрта Осиё республикаларида қўйчиликни ривожлантириш учун жуда катта имкониятлар бор. Қилинган ҳисобларга қараганда, шу республикаларда қўйларнинг сонини ҳозирги вақтдаги 37 миллион бош ўрнига 1958 йил октябрь ойигача қарийб иккй баравар кўпайтириб, 60 миллион бошга етказиш мумкин.

Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон республикаларида ва Қозоғистон ССРнинг жанубий районларида қоракўл қўйларининг ва думбали қўйларнинг сонини анча кўпайтириш ва қоракўл терларининг сифатини яхшилаш учун шароит бор.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон районларида қўйларнинг сонини анча кўпайтириш вазифасини муваффақиятли ҳал қилмоқ учун яйловларни сув блан та'минлаш соҳасида катта ишлар қилиниши лозим. Шу районларда ҳозирги вақтда сув йўқлиги сабабли, деярлик равишда фойдаланилмаётган 120 миллион гектардан кўпроқ яйлов бор. Якин 2 — 3 йил ичида Қозоғистон ва Ўрта Осиё районларида ҳеч бўлмаганда 40 миллион гектар яйлов сув блан та'минланиши ва ўзлаштирилиши лозим.

Табиий офатлар бўлиб қолган тақдирда, қўйларни сақлаб қолмоқ учун уларга керакли ем-хашакларнинг эҳтиёт запасларини вужудга келтиришга жуда жиддий э'тибор бериш керак. Ма'лумки, қўйлар ҳайдаб боқиладиган олис яйловларда ба'зи йилларда жуда кўп қор ёғади, бу эса қўйларга ем-хашак етказиб бериладиган йўлларни тўсиб қўяди, бунинг натижасида юз минглаб ва миллионлаб қўй ҳалок бўлади. Чунончи, 1951 йилнинг январь-март ойларида фақат биргина Қозоғистондаги колхозларнинг ўзидагина бир ярим миллион бошдан кўпроқ қўй ҳалок бўлди, Ўзбекистон ССР колхозларида 350 минг бош қўй ҳалок бўлди.

Колхозларга ёрдам кўрсатиш ва табиий офатларнинг оқибатларини тугатиш учун сарф бўлган маблағларни ҳисоблаб кўрилганда, 1951 йилда бу маблағлар энг кам деганда 600 миллион сўмдан кўпроқ маблағни ташкил қилди. Ҳарбир қўйга лоақал камида бир-икки центнер миқдорида ем-хашак тайёрлаб, қўйлар қишлайдиган жойга ўз вақтида элтиб қўйилса, бу нарса қўйларнинг қиш ёмон келган йилларда эсон-омон сақланиб қолишини та'минлайди.

Бироқ, ўтган йилларнинг аянчли тажрибасидан бирқанча республикалар ва областьларнинг раҳбарлари ўзларига ҳеч-бир сабоқ чиқариб олмаганлар. Бундан уч йил муқаддам Ставрополь ўлкасидаги колхозларнинг 300 мингта яқин майин жунли қўйи қишки яйловларда қиришиб кетди. Бироқ, шу ўлканинг колхозлари бу йил ҳам «Қора ерлар»даги қўйларни фақат 20 — 25 кунга етарли пичан блан та'минладилар, холос.

Об-ҳаво шароитлари ёмон келганлиги сабабли, шу йил январь-февраль ойларида йўлларни яна тракторлар, грейдерлар, бульдозерлар блан ва ҳатто танклар блан тозалашга, хашакларни автомашиналар блан ошириш равишда этиб беришга тўғри келди. Ҳолбуки ўлкадаги қўйчилик колхозларининг кўпчилиги 10 — 15 тадан автомашиналари бўлганлиги сабабли, «Қора ерлар»га етарлик миқдорда ем-хашакни ўз вақтида ташиб қўйишлари ва майин жунли қўйларнинг кўплаб қиришилиги йўл қўймасликлари мумкин эди.

Қишлоқ хўжалигининг айрим тормоқларини планлаштириш ва жойлаштириш ишлари шундай аҳволда бўлиб келмоқда, ўртоқлар. Мана шу камчиликларни йўқотиш деҳқончиликни ва чорвачиликни янада юксалтириш учун қўшимча шароит вужудга келтиради.

☆ ☆ ☆

Қишлоқ хўжалигини комплекс механизациялаш масаласи ҳал этиш пайти келган ва етилган масалаларнинг биридир. Қишлоқ хўжалик экинлари ва хўжалигининг айрим тормоқлари бўйича ишлар комплексини бажариш учун керакли машиналар, қуроллар ва механизмларнинг ҳаммасига биз шу вақттача тўла равишда эга эмасмиз.

Ғалла етиштириш қишлоқ хўжалигининг энг кўп машиналаштирилган тормоғидир, лекин бу соҳада ҳам меҳнатни кўп талаб қиладиган бирқанча ишлар кам машиналаштирилган ёки бутунлай машиналаштирилмаган. Ғалла ўриб олингандан кейин донни тозалаш ва қуритиш, донни тортиш, юклаш ва бўшатиш ишлари, похолни ва сомонни йиғиштириб олиш ва ғарамлаш ишлари мана шундай тўлиқ машиналаштирилмаган ишлардандир. Шу сабабли, ғалла ўриб олингандан кейин донни тозалаш ва қуритиш ҳамда похолни ва сомонни йиғиштириб олиш ишларига дон экинларини парвариш қилиш учун сарф бўлган ҳамма ишларга қараганда анча кўпроқ меҳнат сарф қилинмоқда.

Қандлавлагини парвариш қилиш ва ишлашни комплекс механизациялашни тугаллаш масаласи жуда кескин масала бўлиб турибди. Ҳисоботларда қандлавлагини йиғиштириб олиш ишлари 80 процент машиналаштирилган деб кўрсатилади, ҳақиқатда эса қандлавлагининг фақат 7 процентигина комбайнлар блан йиғиб олинмоқда, қолган 73 проценти лавлагиковлагичлар блан қовлаб олинмоқда. Ваҳоланки, лавлагиковлагич ҳақиқатда лавлагини ковлаб берадиган эски асбобнинг ўзгинасидир, лавлагиковлагич лавлагини ковлаб бўшаштиришнигина механизациялаштиради, қолган ишларнинг ҳаммаси эса қўл блан бажарилмоқда.

Узун толали энгирни, конопляни, ғўзани, ем-хашак экинларини парвариш қилиш ва йиғиб-териб олишда, ем-хашакларни қайта ишлашда ва қишлоқ хўжалигининг бошқа бирқанча тормоқларида бўлган ҳамда меҳнатни кўп талаб қиладиган бирқанча ишлар ҳам машиналаштирилгани йўқ. Осма машиналар ва қуроллари қўлланишнинг афзаллиги ва иқтисодий фойда етказиши ма'лум нарса, бундай осма машиналар ва қуроллар ишчи кучини қўлланишни камайтиришга имкон беради, чунки бу осма машиналар ва қуролларни тракторчининг ўзи бошқараверади ва прицепшчик керак бўлмайди. 1956 йилнинг охиригача МТСлар ва совхозлар 300 мингдан кўпроқ чопиқ тракторига эга бўладилар. Осма қуролларни қўлланиш камида 300 минг прицепшчикни бўшатиб, улардан бошқа ишларда фойдаланишга имкон беради. Осма машиналарни ясаш учун тиркаладиган машиналарни ишлаб чиқаришга қараганда икки баравар деярлик кам металл сарф бўлади. Осма қуроллар шу вақтгача жуда секинлик блан жорий қилинмоқда; ҳақиқатда бундай қуролларни кўплаб ишлаб чиқаришга фақат кейинги вақтлардагина киришилди.

Айрим машиналарнинг конструкциялари шу машиналар блан биргаликда — бир комплексда ишлаши лозим бўлган бошқа машиналарга мосланмасдан ишланаверди ва чиқарилаверди. Масалан, картошкани икки қатор қилиб экадиган машина кўп йиллардан бери чиқарилиб келмоқда. Аммо, картошканинг қатор ораларини ишлаш учун эса тўрт қаторли культиваторлар чиқарилмоқда, ҳолбуки, икки қаторли машина блан экилган картошкани кўп ҳолларда тўрт қаторли культиватор блан культивация қилиш мумкин бўлмай қолдики, бу ҳаммага ма'лум.

Қишлоқ хўжалик министрлиги, Совхозлар министрлиги, Машинасозлик министрлиги ва СССР Госплани бу ишда ўзибўларчиликка йўл қўйдилар.

Қишлоқ хўжалигидаги меҳнатни осонлаштирадиган ва иш унумини оширадиган машиналар ва механизмлар блан яқин 1—2 йил ичида мамлакатни та'минлаш зарур. Бизда ҳозирги замон конструкциясида машиналар яратиб бераоладиган етарли миқдорда малакали кадрларимиз бор, бизнинг саноатимиз эса ҳарқандай машинани тайёрлаб беришга қодирдир.

Тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналари учун запас қисмлар ишлаб чиқариш ёмон аҳволда турибди. Саноат министрликлари запас қисмлар ишлаб чиқариш давлат планини йилдан-йилга бажармай келмоқдалар. Одатда запас қисмлар тасдиқланган номенклатурага қараб чиқарилмасдан, балки улгуржи қилиб, я'ни детальларнинг қийматига қараб чиқарилмоқда. Бу блан қишлоқ хўжалиги учун жуда катта зарар етказилмоқда. Айрим детальлар етишмаганлигидан кўп тракторлар ва машиналар тўхтаб қолмоқда, шу сабабли қишлоқ хўжалик ишларини ўтказиш муддатлари чўзилиб кетмоқда ва экинларнинг ҳосили камаймоқда.

Машинасозлик министрлиги ва унинг та'минот органлари МТС ва совхозларнинг лозим бўлган запас қисмларини ўз вақтида ва етарли миқдорда олишларини та'минлашга беғамлик блан қарамоқдалар. Машинсозлик министри ўртоқ Аковга шундай бир савол берсак жуда ўринли бўлади: нима учун запас қисмлар ишлаб чиқариш қандайдир ҳал қилиб бўлмайдиган проблемага айланиб кетди, нима учун министрлик ходимлари бу муҳим ишга мас'улиятсизлик блан қарамоқдалар. МТС ва совхозларнинг эҳтиёжларидан юз ўгирмоқдалар?

Запас қисмларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш планини бажариш учун саноат ва та'минот органлари ходимларининг мас'улиятини ошириш ва планни бузаётган ҳамда запас қисмларни бутлаб юборишни та'минламаётган раҳбарларнинг қаттиқ танбеҳини бериб қўйиш зарур.

Запас қисмларни МТС ва совхозларнинг эҳтиёжларини машиналарнинг узлуксиз ишлаши учун тўла равишда та'минлайдиган миқдорда ва номенклатурада ишлаб чиқаришни авж олдириб юбориш кечиктириб бўлмайдиган вазифадир. Қишлоқ хўжалик министрлиги ва Совхозлар министрлиги запас қисмларни тежаб ишлатишда МТС ва совхоз ходимларининг манфаатдорлигини ошириш тадбирларини ишлаб чиқишлари керак.

Совхозларда ғалла етиштиришни кўпайтириш ва уларнинг хўжалик фаолиятини яхшилаш тўғрисида

Ўртоқлар! Биз совхозлар масаласи блан жиддий шуғулланишимиз керак. Мамлакатда 4.835 совхоз бор, булардан 3.579 таси Совхозлар министрлигига, 869 таси Озиқ-овқат моллари саноати министрлигига ва 387 таси бошқа ташкилотларга қарашли совхозлардир.

Совхозлар асосий дала ишларини тўла равишда механизациялашга имкон берадиган биринчи даражали техника блан та'минланган. Чорвачилик ишларида кўп меҳнат талаб этадиган оғир процесслар йил сайин кенг миқ'ёсда механизациялаштирилмоқда. Совхозларда қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришининг кўпгина мастер кадрлари ўсиб етишди. Булар ўқ ютуқларини ва илғор иш тажрибаларини кенг қўлланиб, қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштирмоқдалар ва чорвачиликнинг маҳсулдорлигини оширмоқдалар. Илғор совхозлар ердан тўғри, ғоят унумли фойдаланмоқдалар.

Ба'зи энг яхши совхозларда 1953 йилда ҳар 100 гектар қишлоқ хўжалик экин майдони ҳисобидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қанча етиштирилганлиги тўғрисидаги ма'лумотларни келтириб ўтамиз:

Совхозлар	Қорамол	Шу жумладан сигир	Сут (цент.)	Мол ва парранда гўшти (цент. сўйилган вазнда).
«Лесние поляни»	71	29	1.303	59
«Коммунарка»	55	28	1.177	127
«Горки—II»	33	14	937	133
«Холмогорский»	44	21	959	38

Яхши раҳбарлар, қобилиятли ташкилотчилар етакчилик қилаётган совхозларда, одатда, яхши натижаларга эришилмоқда.

Афсуски, катта натижаларга эришаётган совхозлар ҳали кам. Кўпгина хўжаликлар ёмон ишламоқдалар, зарар кўрмоқдалар, катта ер массивларидан фойдаланишда исрофгарчиликка йўл қўймоқдалар, ғалла, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотларни кам тайёрламоқдалар.

Кўпгина совхозларнинг ишларидаги катта камчилик—паст ҳосил олинаётганлигидир. СССР Совхозлар министрлиги ва унинг маҳаллий органларининг раҳбарлари ана шу камчиликни йўқотиш чораларини кўрмаётирлар.

Ғалла етиштиришнинг анча камайиб кетганлиги совхозларни ривожлантиришдаги энг жиддий хатодир. Ҳозир бизнинг ихтиёримизда бўлган фактлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, Совхозлар министрлиги раҳбарларининг э'тибори ғалла етиштиришни кўпайтиришга эмас, балки уни камайтиришга қаратилган.

1940 йилдан тортиб 1953 йилгача совхозлардаги бутун экин майдонида ғалла экинларининг тормоғи 69 процентдан 52 процентгача камайган. Лекин ем-хашак бўладиган экинлар майдони асосан кўпйиллик ўтлар экиш ҳисобига 27 процентдан 44 процентгача кўпайган. Кейинги вақтларда бирқанча совхозларда бутун экин майдонининг учдан икки қисмигача кўпйиллик ўтлар экилган. Агар кўпйиллик ўтларга бир йиллик ўтларни ҳам қўшсак, кўпгина совхозларда экин майдонининг атиги 20 — 25 проценти ғалла ва бошқа ҳамма қишлоқ хўжалик экинлари ҳиссасига қолади. Ўзига хос «ўт» совхозлари вужудга келган. Бундай совхозлар донни ҳам, бошқа муҳим экинларни ҳам етиштирмайдилар, аммо жуда кўп ўт экадилар. Бу хилдаги совхозларда ўтни ҳам кўрмайсиз, уларнинг далаларида гумой ва бошқа ёввойи ўтлар ўсиб ётипти.

Чкалов областидаги «Броди» совхозида 1952 йилда 6210 гектар экин майдонидан атиги 1690 гектарига дон экинлари экилган, 3617 гектар ерга, я'ни икки мартадан зиёд ерга кўпйиллик ўтлар экилган. Омск областидаги «Москаленский» совхозида 9,210 гектар ернинг 2.690 гектарига дон экинлари, 5.240 гектарига, я'ни қарийб 2 мартадан зиёдроқ ерга кўпйиллик ўтлар экилган.

Айрим совхозларнинг кўплиги «ўтчи» совхозларнинг мўл ҳосил етиштириши ва кўп пичан олишига, эҳтимол, имконият бераётгандир? Сра ҳам бундай эмас. «Броди» совхози ҳар гектар ердан атиги 2,3 центнердан кўпйиллик ўт пичани, «Москаленский» совхози эса 4 центнердан кўпйиллик ўт пичани олмоқда. Бундай совхозлар бошқа ерларда ҳам бор.

Совхозлар министрлигининг раҳбарлари бундай фактлардан хабарсиз қолишлари мумкин эдими, деган савол туғилади. Улар бу фактлардан хабардор бўлганлар. Аммо ғалла етиштиришни кўпайтириш, товар маҳсулотни ва совхозларнинг рентабельлигини ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилишдан иборат ўз бурчларини эсдан чиқариб, ҳақиқатда давлатга хилоф практикани рағбатлантириш, ўз системасидаги ходимларнинг бировга боқим бўлиш кайфиятларини авж олдириш йўлига ўтганлар.

Нотўғри раҳбарлик қилиниши натижасида совхозларда дон экинларини камайтириш йўли катта ва устун мавқ'ни эгаллаган. Ҳолбуки, бундай йўл давлат манфаатларига тамомила зиддир.

Бундай ярамас практика натижасида кўпгина совхозлар мамлакатга кам миқдорда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бермоқдалар.

Айрим область ва районлардаги совхозлар давлатдан ўзлари етиштираётганидан кўра анча кўп ем-хашак ва бошқа концентрат ем-хашаклар олмоқдалар.

Министрлик совхозларга раҳбарликни кескин суратда юксак даражага кўтариши, уларнинг хўжалик ишларига оператив суратда аралашуви, илғор иш усуллари ва методларининг барча совхозларда жорий қилинишига эришмоғи керак. Министрлик шу вақтгача ундай қилмади. Буни қуйидаги мисолдан кўриш мумкин.

Березанский ва Ново-Покровский ғаллакор совхозлари Краснодар ўлкасининг энг маҳсулдор ерларида жойлашган. Бу совхозларнинг 1953 йилдаги иш якунлари қуйидагича:

	Березанский ғаллакор совхози	Ново-Покровский ғаллакор совхози
Умумий экин майдони (гектар ҳисобида)	11,911	19.283
шу жумладан ғалла экинлари (гектар ҳисобида)	7.548	12.094
шундан бўғдой (гектар ҳисобида)	6.616	9.983
Ғалла экинларининг ҳосили (гектаридан центнер ҳисобида)	18,9	11,8
шу жумладан кузги бўғдой (гектаридан центнер ҳисобида)	19.9	12.5
100 гектар экинзор ҳисобидан давлатга топширилгани (ғалла, центнер ҳисобида)	863	371
сут (центнер ҳисобида)	79	28
гўшт (центнер ҳисобида)	25	8
шу жумладан 100 гектар экинзор ҳисобидан чўчқа гўшти	24,5	5,7
1 центнер маҳсулотнинг таннархи: ғалла (сўм ҳисобида)	17	27
сут (сўм ҳисобида)	78	92
қорамол гўшти (сўм ҳисобида)	390	663
чўчқа гўшти (сўм ҳисобида)	560	1.007

Бу совхозларнинг хўжалик фаолияти натижалари қуйидагича: биринчи совхозда 979 минг сўм миқдорида фойда олинган, иккинчи совхозда эса 1 миллион 37 минг сўм миқдорида зарар кўрилган.

Бошқа совхозлардагидек, бу ерда ҳам иш натижалари ёмғир ёки офтобга боғлиқ эмас, балки хўжаликни кимнинг қандай олиб бораётганлигидадир. Березанский совхозида моҳир ташкилотчи ўртоқ Лисенко, Ново-Покровский совхозида эса бўш ва нўноқлик блан раҳбарлик қилаётган ўртоқ Бубнов директор бўлиб ишламоқда. Унинг «раҳбарлиги» давлат учун жуда қимматга тушди. Совхоз йил мобайнида 1 миллион сўм зиён кўрди, бунинг устига мамлакатга қанчаданқанча маҳсулотни кам берди.

Демак, кўз ўнгимизда икки совхоз турипти. Ҳар иккала совхоз тупроқ ва иқлим жиҳатидан бир хил шароитда ишлаб турипти, ўсиш имкониятлари ҳам бирхил. Иш натижалари эса кўриб турипсизки, тамомила бошқа-бошқадир.

Хўш, илғор Березанский совхозидаги иш практикасини Ново-Покровский ва бошқа ғаллакор совхозларга кўчириш нега мумкин эмас? Albatta, мумкин.

Министрликнинг ташкилотчилик роли қани? Наҳотки, бир совхоздаги илғор иш тажрибасини иккинчи совхозга кўчириш учун бирнеча ўн йиллаб вақт талаб қилинса? Йўқ, ундай эмас, гап шундаки, министрликнинг ходимлари хўжаликни тўғри ташкил этишдаги тажрибани бошқа совхозларга ёйиш учун илғор тажрибаларни ўрганмаётирлар. Совхозларда раҳбарликни та'минлайолмаган ва ишни тўғри олиб бориш ниг уддасидан чиқаолмаган раҳбарларни министрлик йиллар бўйи тоқат қилиб сақлаб келади, уларни қобилиятли бошқа раҳбарлар блан алмаштирмайди. Ўзибўларчилик ҳукм суради. Министрликнинг раҳбарлари ҳарбир айрим совхозга етиб бормайдилар, балки ишнинг аҳволи ҳақида ўртача кўрсаткичларга қараб ҳукм чиқарадилар.

Совхозлар министрлиги системасида қандай ярамас аҳволлар бўлаётганлигини от заводларидаги иш практикасидан олинган жуда кўп фактлар яққол кўрсатиб турипти.

СССР Совхозлар министрлигининг бу заводларга марказий-қора тупроқ областьлари, Шимолий Кавказ, Поволжье, Украина, Сибирь ва Қозоғистон районларида 4,2 миллион гектар ер биркитиб берилган. От заводларида 1952 йил охиридаги ҳисоб бўйича қишлоқ хўжалик экин майдонларининг ҳар 100 гектарига ҳисоблаб кўрганда атиги 2,7 от, 1,5 йирик қорамол, 0,3 бош сигир, 11,5 бош қўй тўғри келади. Чўчқалар эса ҳар 100 гектар ерга 3 тадан тўғри келади.

От заводларида 1952 йилда қишлоқ хўжалик экин майдонларининг ҳар 100 гектари ҳисобига 84 центнер ғалла, 5 центнер сут, я'ни гектарига 5 литр сут, 0,7 центнер йирик қорамол гўшти, 0,3 центнер қўй гўшти, 0,4 центнер жун, 100 гектар ер ҳисобига 2,3 центнер чўчқа гўшти олинди. Шу блан бирга, от заводлари 1952 йилда давлатдан 838 минг пуд ем-хашак, кепак ва терт қилинган озуқалар олдилар.

Ҳолбуки, от заводларининг директорлари вазифасида коммунистлар ишлаб турган бўлсалар керак. Улар йиғилишларда нутқлар сўзлаб, партиянинг йўлини ма'куллаётган, коммунизм қуриш учун курашаётирмиз деб, қасам ёд қилаётган бўлсалар керак. Лекин, биласизки, бу хил «кураш» пашша ҳақидаги машҳур масални эслатади. Пашша ҳам ҳўкизнинг шохига қўниб, «ер ҳайдаган-ку», ахир. Кўпгина от заводларининг раҳбарлари ҳам давлат гарданига юк бўлиб олиб, «биз ҳам ер ҳайдадик!» деб на'ра тортмоқдалар.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА)

*) Боши «Тошкент ҳақиқати»нинг 21 март сонида.

Мамлакатда ғалла етиштиришни янада кўпайтириш тўғрисида ҳамда қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш тўғрисида

КПСС Марказий Комитетининг Пленумида ўртоқ Н. С. ХРУШЧЁВНИНГ 1954 йил 23 февральдаги доклади

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Мана бундай «қўшчилар» ўзларига топшириб қўйилган иш учун мас'улият ҳиссини йўқотиб қўйганлар. Улар ҳайбаракаллачилик блан бепарво бамайлихотир яшамоқдалар, ҳечнарса ҳақида ғам емайдилар. Уларга топшириб қўйилган далалар Пушкиннинг шеърида тасвирланган Кочубей ерлари сингари бепоёндир. Шеърни эсласангиз керак:

Қочубей бой, кетган шуҳрати,
Яйловлари унинг бепоён;
Шу ерларда ҳисобсиз оти
Эркин ўтлар соқчисиз, омон.

Пушкиннинг «Полтава»си ёзилган замонда ана шундай эди. Бизнинг от заводларимизда ҳам ана шундай манзара кўринади. Лекин ҳозирги замон кочубейлари ихтиёрида бепоён далалар блан бирқаторда енгил машина ҳам бор, кичик кўл ҳам, бу кўлда балиқ ҳам бор. Уларнинг ихтиёрида ҳамма нарса бор, лекин амалий иш йўқ. Хўжаликни ишчанлик блан олиб бориш маҳорати ва истаги йўқ.

Бу шармандали бир ҳол, буни тезроқ тугатиш керак! Агар от заводлари фойдаланмай келаётган ерларни ҳайдаб, бу ерларга бугдой ва бошқа экинлар экилса, у вақтда мамлакат қўшимча равишда кўп ғалла олади. Масалан, Краснодар ўлкасида, Кировоград ва бошқа областьларда ғалла етиштириш учун энг яхши ерлар от заводлари ихтиёрида бўлиб, аслда фойдаланилмай бекор қолиб келмоқда. Бу — жиноятдир.

Ўртоқлар, нега шундай бўлаётир? Бизда совхозлар министри, унинг ўринбосарлари бор, министрликда турли бошқармалар бор, мутахассислар ҳам бор. Улар буни кўрмайдими, ахир? Бундай «кашфиётлар»ни бирор лаборатория орқали қилиш керакми, ахир? Бу хил аҳмоқлик энг оддий ишига ҳам, агар у ўз вазифаларига софдиллик блан ва виждонан муносабатда бўлса, кўриниб турипти.

Бу хил кишиларни фош қилиш, уларни халқ мулкини растрат қилучилар деб, мамлакатимиз аҳолиси учун кўп миқдорда маҳсулот олиш соҳасидаги курашга тўсқинлик қилаётган фарасатсиз одамлар деб очиб ташлаш керак.

Совхозлар ўзларидаги бой имкониятлардан усталик блан фойдаланганларида ғалла ва бошқа экинлар етиштиришни кескин равишда кўпайтириш блан бирга чорвачилик маҳсулотини ҳам кўпайтиришлари мумкин. Броқ, мамлакат ҳозиргача совхозлардан гўшт, сут, жунни кам олаётир.

Совхозлар қишлоқ хўжалик экин ерларининг ҳар 100 гектарига ҳисобланганда давлатга фақат 23 центнер сут, 5 центнер гўшт ва 45 килограмм жун топширмоқдалар.

Ғарби-Шимолдаги, Марказий қора тупроқ доирадаги, Белоруссиядаги, Поволжье, Шимолий Кавказ районларидаги совхозларда чўчқа гўшти етиштиришни сра қониқарли деб бўлмайди. Бу ерларда чўчқаларни боқиш учун картошка ва маккажўхори ўстириш соҳасида катта имкониятлар бор.

Совхозлар етиштираётган маҳсулотнинг таннархи юқоридир. Чўчқа гўшти таннархи айниқса қиммат, чунки совхозларда чўчқалар четдан ташиб келтираётган ва қиммат бўлган концентрат озуқалар блан боқилмоқда. Шу мақсадда, айниқса қора тупроқ бўлмаган доирада картошкадан, жанубдаги дашт районларда эса маккажўхоридан жуда оз миқдорда фойдаланилмоқда.

Бу хил камчиликлар бошқа министрликларга қарашли совхозларнинг, масалан, Озиқ-овқат саноат моллари министрлигига қарашли совхозларнинг ишида ҳам бор.

Бу министрликда совхозлар қанд, спирт, крахмал-патока ва бошқа озиқ-овқат саноати заводлари зоналарида техника экинлари етиштириш учун ташкил қилинган. Бу совхозлар кўпроқ техника экинлари, сабзавот ва картошка етиштиришлари керак эди. Аммо амалда шундай бўлмаётир, Совхозларнинг экин майдонларида техника экинлари фақат 11 процентни, дон экинлари 44 процентни, ем-хашак экинлари 41 процентни, шу жумладан кўпйиллик ўтлар 25 процентни ташкил қилади.

Озиқ-овқат моллари саноати министрлигининг совхозларида ҳар 100 гектар экин ери, ўтлоқ ва яйловга тўғри келадиган чорва моллари кам. Бу совхозларда ҳар 100 гектар қишлоқ хўжалик ерлари ҳисобига 17 бош йирик қорамол, шу жумладан 5 бош сигир ва 100 гектар экин ерига 18 бош чўчқа тўғри келади. Бу министрликнинг совхозлари давлатга ҳар 100 гектар қишлоқ хўжалик ери ҳисобига 112 центнер сут ва 19 центнер гўшт топширмоқда.

Озиқ-овқат моллари саноати министрлиги йирик қорамолларни озиқ-овқат саноати корхоналаридаги чиқиндилар блан боқиб семиртириш ишини яхши ривожлантирмаётир. Совхозлар министрлигининг совхозлари ҳам бу имкониятлардан фойдаланмаётирлар. Улар ҳар йили давлатга кўпгина ориқ моллар топшираётирлар. Бунинг устига совхозлар министрлиги ҳукуматга бирнеча марта мурожаат қилиб, яхши семиртирилмаган молларни топширишга рухсат берилишини сўради.

Шуни айтиб ўтиш керакки, бизда гўшт тайёрлаш яхши олиб борилмаётир. Тайёрланган чорва моллари қушхоналарга етгунча ориқлаб, вазнини йўқотиб қўймоқда. Шунинг натижасида молларнинг вазни, гўшт ва терисининг сифати жиҳатидан кўп нобудгарчиликка йўл қўйилмоқда.

Иккинчи томондан, фойдали озуқа бўлган лавлаги турпи, барда, мязга ва озиқ-овқат саноатидаги бошқа хил чиқитлар жуда кўп нобуд қилинмоқда. Кепак ва кунжарадан хўжасизларча фойдаланилмоқда.

Колхозлардан келтирилаётган чорва молларини боқиб семиртириш учун лавлаги турпидан яхши фойдаланиш керак. Молларни семиртирадиган базаларга эга бўлиш, уларни кепак, кунжара, турп, мязга ва барда блан та'минлаш зарур. Чорва молларини семиртиришни ташкил қилганда, кўп миқдорда қўшимча юқори сифатли гўшт олиш, тери сифатини яхшилаш мумкин ваҳоказо.

1953 йилда озиқ-овқат саноати корхоналарида 2 миллион тоннага яқин фойдали озиқ-овқат чиқиндиси (турп, барда, мязга ва бошқалар) нобуд бўлди. Бу фойдали чиқитлар тўйимлилиги жиҳатидан 242 минг тонна донга тенг келади.

Ошхона ва шаҳар кухналаридаги озиқ-овқат чиқитларидан чўчқаларни боқиб семиртириш учун яхши фойдаланилмаётир. Бу ишни ўюштириш керак, токи ошхоналар, санаторияларо, болалар уйлари, касалхоналар, ҳарбий қисмлар ва бошқа шу кабилар ўзларида чўчқаларни боқиб семиртирсинлар. Майли, боқиб семиртиришдан тушган гўштдан ташкилот ва муассасалар ўз ходимларининг овқатланишини яхшилаш учун фойдалансинлар. Бу ишда моддий манфаатдорликни вужудга келтириш учун боқиб семиртиришдан тушган гўштни овқатланиш учун таннархи бўйича сотиш лозим. Совхозлар дон ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни ҳамда давлатга топширишни қиска муддатда икки баравар ва ҳатто ундан ҳам оширишлари мумкин ва лозим. Совхозлар юқори рентабельли ва намунали хўжаликлар бўлаолишлари мумкин ва амалда шундай бўлишлари керак.

Совхозлар яқин икки-уч йил ичида ғалла топширишни 500 миллион пудгача етказишлари ва шу блан бирга давлатга топширилаётган гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари миқдорини кўпайтиришлари лозим. Бу совхоз ишчиларининг шарафли ишидир.

Қишлоқ хўжалик органларининг ишлари тўғрисида

Ўртоқлар! Марказий Комитетнинг ўтган Пленумида МТС, колхоз ва совхозларга раҳбарлик қилишдаги жиддий камчиликлар очиб ташланган эди. Пленумдан буён ўтган давр ичида биз аҳволни чуқур ўрганиб чиқиб ва қишлоқ хўжалигининг бирқанча тармоқларининг ночар аҳволга тушиб қолганлигини кўрсатадиган янги фактларни аниқладик. Мен бу тўғрида шу Пленумга ма'лумот берган эдим. Бундай аҳволнинг рўй беришига ким айбли, деган савол туғилади. Аввало ишнинг ана шу энг муҳим участкасига раҳбарлик қилиб турган кишилар айблидир.

Совхозлар Министрлигига узоқ вақт ўртоқ Скворцов раҳбарлик қилиб келди. Эндиликда унинг раҳбарлиги қандай натижалар берганлигини кўриб турибсиз Бирқанча совхозларда ерлардан хўжасизлик блан фойдаланилмоқда. Бунинг натижасида мамлакат кўпгина миқдорда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ололмай қолмоқда. Ўртоқ Скворцовга ишонч билдирилган эди, аммо амалда у яроқсиз ташкилотчи ва фаросатсиз ходим бўлиб чиқди. Бу нарса унинг обрўсини оширмади, албатта. Ана шу фактлардан зарур хулосаларни чиқариб олиш керак. Ўртоқ Скворцов эндиликда ишончга сазовор бўлаолмаслиги турган гап, совхозлар министрининг биринчи ўринбосари лавозимида турганда ҳам нуқсонларни тугатаолишига ишониш қийин.

Аммо, гап совхозларда ва ўртоқ Скворцовдагина эмас. Бунда СССР Госпланининг айрим ходимлари ва СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигининг раҳбарлари ҳам айблидир. Улар кўпгина районларда ердан нотўғри фойдаланишга йўл қўйганлар. Булар қишлоқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволи тўғрисида ҳукумат ва Марказий Комитетни ўз вақтида хабардор қилиб туришлари, кечиктириб бўлмайдиган масалаларни кўтаришлари, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун кураш олиб боришлари керак эди. Ҳақиқатда эса улар кўп ҳолларда нуқсонларни хаспўшлаб келдилар.

Планлаштиришда йўл қўйилган хатолар учун госплан раисининг қишлоқ хўжалиги масалалари блан шуғулланучи ўринбосари ўртоқ Демидов ва СССР Госпланининг қишлоқ хўжалигини планлаштириш бошқармасининг собиқ бошлиғи ўртоқ Дмитриевларнинг айблари ҳам катта. Демидов ва Дмитриев колхозларда ва айниқса совхозларда ғалла экинлари кескин суратда камайиб кетганлигини кўрсалар ҳам, улар бунга қарши э'тироз билдириш уёқда турсин, балки, аксинча, давлатга қарши қаратилган ана шундай нотўғри практикани актив равишда қўллаб-қувватлаганлар ва амалга ошириб келганлар. Эндиликда Госплан ходимлари: «Дарҳақиқат, бу жуда ярамас бир ҳол» деб айтадилар. Аммо ана шу ярамас ҳол Демидов ва Дмитриев ўртоқлар тайёрлаган планларда кўзда тутилган эди-ку. Бу ходимлар ўт-дала системасини хўжалик жиҳатидан манфаат келтирмайдиган районларда қўлланиш йўлини актив суратда амалга оширганлар. Бу эса дон экинлари ҳосилининг анча камайишига ва кам ғалла олинишига сабаб бўлган. Ўртоқ Демидов ва айниқса ўртоқ Дмитриев нотўғри планлаштиришга қарши чиққан ва экин майдонларининг структурасини ўзгартиришни таклиф этган кишиларга йўл бермай, қувғин қилган. Ўртоқ Демидов Госпланда ишлаб тургани блан ўз хатоларини тузатаолиши шубҳалидир!

Қишлоқ хўжалик министри ўртоқ Бенедиктовнинг нотўғри хатти-ҳаракатини айтиб ўтиш керак. Ўртоқ Бенедиктов агроном бўлиб, оператив ва ташаббускор ходим эканини кўрсатди. Модомики шундай экан, у ана шу хатоларга нима учун ўз вақтида э'тибор бермади, нима учун бу хатоларга қарши чиқмади? Афтидан у бюрократизм касалига мубтало бўлганга ўхшайди.

Бу хатоларнинг рўй беришида СССР Совхозлар министри ўртоқ Козловнинг айби яна ҳам каттароқ. У ёш министр, ана шу постда фақат бирнеча ойдан буён ишлаб келмоқда, деб айтишлари мумкин. Аммо у аввалги ишида ҳам қишлоқ хўжалигига бевосита алокадор эди ва қишлоқ хўжалиги масалаларини ҳал этишда Госпланга ҳам, Қишлоқ хўжалиги министрлигига ҳам, Совхозлар министрлигига ҳам, қишлоқ хўжалик илмий муассасаларига ҳам бевосита та'сир кўрсатар эди.

Ишимиздаги камчиликларни кескин суратда очиб ташлаш, юқоридан тортиб пастгача бутун қишлоқ хўжалик органларининг ишларини яхши йўлга қўйиш керак Бунинг учун даставвал партия ва ҳукумат томонидан қишлоқ хўжалиги органларидаги ишга тайинланган барча ходимларнинг жавобгарлигини ошириш лозим.

Сентябрь Пленуми қишлоқ хўжалик органларининг ишларини қайтадан қуриш вазифасини қўйди. Кейинги вақтларда Қишлоқ хўжалиги, Совхозлар ва Тайёрлаш министрликлари қайтадан қурилди. Лекин бу, ишнинг кичик бир қисми, холос. Бу министрликларнинг штати анча қисқартилган бўлса ҳам, уларнинг аппарати ҳануз каттадир. Бу аппаратнинг иш услубида ўзгариш кам.

Министрликларнинг раҳбар ходимлари ҳали ҳам МТС, колхоз ва совхозлардан ажралиб қолганлар, улар жойларда кам бўладилар. Ўтган Пленумдан кейин Совхозлар министрлиги ва Қишлоқ хўжалик министрлигининг кўпгина раҳбар ходимларининг бирор марта ҳам совхоз ва колхозларга бормаганликларини нормал бир ҳол деб бўлмайди. Оддий ходимлар жойларга бориб турадилар ва улар кўпинча ҳархил фактларни тўплаш ҳамда юзаки текшириш ўтказиш учунгина жойларга борадилар. Министрликларнинг раҳбарлари ўз ходимларининг область ва районларда бўлган вақтда нима иш қилганликлари блан камдан-кам қизиқадилар.

Жойларга раҳбарлик қилиш шу пайтача ҳам асосан директива ва буйруқлар юбориш йўли блан амалга оширилмоқда. Раҳбар ходимларнинг кўплари МТС, колхоз ва совхозда ишни қандай қилиб яхши уюштириш кераклигини билмайдилар, ва ҳатто билишни ҳам истамайдилар, бунисига энди мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Улар барча масалалар юзасидан ҳамма район ва колхозлар учун директивалар бераоламиз ва ишни яхшилаш учун бизнинг директиваларимиз кифоядир деб ҳисоблаб, ўз қучларига ошиқча баҳо берадилар. Бундай гердайиш ва манманликка чек қўйиш ва ташкилотчилик ишларини кўпроқ амалга ошириш, ишлабчиқаришдаги—колхоз, МТС ва совхозлардаги кишилар блан тез-тез учрашиб туриш керак.

Министрликлар аппаратини қисқартириш соҳасида бундан кейин ҳам иш олиб бориш, ходимларнинг бир қисмини жойларда ишлашга юбориш зарур. Турмушдан орқада қолиб, бюрократлашиб кетган ба'зи ходимлар ўрнига жойларда машина-трактор станцияларига, колхоз ва совхозларга амалий раҳбарлик қилиш тажрибасига эга бўлган илғор кишиларни қўйиш керак. Бундай қилинганида ишлар албатта яхшиланади.

Бюрократизм ва сансалорликка қарши ғоят шафқатсиз кураш олиб бориш керак. Бу курашни фақат қишлоқ хўжалик органларида олиб бориш блангина чекланиб қолмаслик лозим. Мен партия ва давлат аппарати ишларидаги камчиликлар тўғрисида батафсил гапириб ўтирмайман, чунки, партия Марказий Комитетининг яқинда қабул қилган қарорида бу тўғрида гапирилди. Сизларнинг ҳаммангиз бу қарор блан танишиб чиққан бўлсангиз керак.

Биз, аппарат ишидаги хато ва камчиликларни кескин суратда очиб ташлашимиз, ишга зарар етказадиган канцеляриячилик-бюрократик раҳбарлик практикасига хотима беришимиз, кадрларимизни фойдали иш блан банд қилишимиз керак. Шу блан бирга, ижрони текширишни ҳартомонлама кучайтириш, кадрларнинг тўғри танланиши ва жой-жойига тўғри қўйилишини та'минлаш, барча ходимларнинг жавобгарлигини ошириш лозим. Аппаратни қисқартиш ҳамда унинг фаолиятини яхшилаш соҳасидаги ишларни ҳам давом этдириш зарур.

Ма'лумки, бу ишни бирданига ҳал этиб бўлмайди. Бунда бюрократларнинг қаттиқ қаршилигига дуч келишимизни ҳисобга олиш керак. Бюрократлар фақат қоғоз блан иш кўришга кўникиб қолганлар ва қоғозсиз яшайолмайдилар. Биз қарор чиқаришимиз бланоқ бюрократлар ва сансалорчилар ер юзидан йўқолиб кетмайдилар. Бюрократизм каби офатни йўқ қилиш учун зўр ғайрат, сабот ва матонат блан иш олиб бориш талаб этилади. Барча партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларини бу ишга жалб этиш лозим.

Биз, бошқарманинг айрим эвеноларини ишлабчиқаришга яқинлаштиришимиз керак. Ҳукумат яқинда Украинада республика Қораметаллургия министрлигини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. Украина Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Украина ССР Министрлар Совети блан келишилиб, бу министрликни Киевда эмас, балки Днепропетровскда жойлаштириш мақбул деб топилди. Украинада республика Кўмир саноати министрлигини тузиш мўлжалланади. Украина республика ташкилотларининг фикрича, бу министрликни Киевда эмас, балки Сталинода ёки Артемовскда жойлаштиришга тўғри келади. Бундан мақсад—мазкур министрлик Донбасс марказида бўлсин. Бу ерда граждан уруши тамом бўлганидан кейин тошкўмир саноати бошқармасининг маркази В. И. Ленининг кўрсатмасига мувофиқ Артемовск шаҳрида жойлаштирилганлигини эслатиб ўтиш ўринлидир.

Кейинги йилларда кўпгина главкалар ўзлари раҳбарлик қилиши лозим бўлган корхоналардан узоқлашиб, Москвада жойлашиб олганлар. СССР Министрлар Совети яқинда Озиқ-овқат моллари саноати министрлигининг хатосини тузатди. Бу министрлик Жанубий ҳавза ва Шимолий ҳавзадаги балиқ саноати Бош Бошқармасини Москвада тузган эди. Бу бошқарманинг ходимлари Москвада ўтириб олиб, бу ердан ана шу ҳавзаларга ўзларининг «қоғоз тўрлари»ни ташлаб турганлар.

Иш манфаатлари нуқтаий назаридан ишлабчиқаришга яқин жойларга кўчириш, лозим бўлган бундай главкалар озмунча дейсизми! Қишлоқ хўжалик органларида ҳам ана шундай қилиш керак.

Мисол учун СССР Совхозлар министрлигини олиб кўрайлик. Бу министрлик ҳузурида Қорақўлчилик совхозлари Бош Бошқармаси бор. Бу совхозларнинг кўп қисми Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон ва Қозоғистон республикаларидадир. Мазкур совхозларнинг главкаси қаерда деб ўйлайсиз? Москвада. Мазкур главкани ана шу республикалардан бирида жойлаштириш яхши бўлмасмиди? Шу министрликнинг Москвада толали ўсимликлар совхозлари трести бор, трест совхозларининг кўпчилиги эса Қирғизистон ва Қозоғистон республикаларидадир.

Ёки Россия федерацияси Совхозлар министрлигини олиб кўрайлик. Министрликнинг Москвадаги Марказий аппаратида Шарқдаги совхозлар Бош Бошқармаси бор. Бу бошқарма Приморье, Хабаровск, Красноярск ўлкалари, Иркутск, Чита областьларидаги совхозларга раҳбарлик қилиши керак Ғарбий Сибирь совхозлари Бош Бошқармаси Москвада жойлашган. Шарқдаги совхозлар Бош Бошқармасини масалан Иркутскда, Ғарбий Сибирь совхозлари Бош Бошқармасини масалан Новосибирскда жойлаштириш яхши бўлмасмиди? Бу чора главкаларда ишловчи ходимларга совхозларга тез-тез бориб туриш, уларнинг ҳаётини ўрганиш, жойларнинг талабларига жиддий э'тибор қилиш имкониятини берган бўлар эди, Совхоз ва трестларнинг ходимлари ҳам Бош Бошқармага тез-тез келиб тураолар эдилар.

Бундай мисолларни бошқа министрликлардан ҳам кўп келтириш мумкин. Бошқариш органларини ишлабчиқаришга яқинлаштириш ва раҳбарликни яхшилаш мақсадида главкалар ва трестларни жойлаштириш масаласини қайта кўриб чиқиш керак.

Қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишни яхшилаш ишида қишлоқ хўжалик пропагандаси, илғор иш тажрибаларини жорий қилиш жуда муҳим ўрин тутишини яна бир марта уқтириб ўтиш лозим. Сентябрь Пленумидан кейин қишлоқ хўжалигида фан ютуқларини ва илғор иш тажрибаларини пропаганда қилиш анча яхши йўлга қўйилди. Лекин шундай бўлса ҳам, бу соҳада қилинган ишлар ҳали кам.

Қишлоқ хўжалиги министрлиги ва жойлардаги кўпгина қишлоқ хўжалик органлари янги иш усуллари ва методларини колхоз ишлабчиқаришига жорий қилиш соҳасида қунт блан, оперативчилик блан иш олиб бормаётирлар, илғор иш тажрибаларини кўпгилдагидек умумлаштирмаётирлар, бунинг натижасида кўп жойларда қишлоқ хўжалик пропаганда турмуш блан боғланмай, умумий тарзда, конкрет бўлмаган тарзда олиб борилмоқда.

Мамлакатдаги турли районларнинг зонал хусусиятларини э'тиборга олиб ёзилган, илғор колхоз, МТС ва совхозларнинг муваффақиятларини кўрсатган яхши китоб, брошюра ва плакатлар ҳали кам чиқарилмоқда, нашр этилаётган китоб ва брошюралар эса кўпинча юзаки ёзилган бўлади ва илғорларнинг иш методларини кўрсатиб бераолмайди.

Илмий-текшириш институтларнинг ишлари тўғрисида алоҳида гапириб ўтиш керак. Социалистик деҳқончиликни ривожлантириш соҳасида совет қишлоқ хўжалик фанининг хизматқ каттадир. Совет олимлари кўпгина фойдали кашфиётлар қилдилар. Бу кашфиётлар ишлабчиқаришда кенг жорий қилинмоқда. Мамлакатда кўпгина илмий ходимлар ўсиб етишди.

Аммо шуни э'тироф қилиш керакки, илмий муассасаларга раҳбарлик қилиш ишларида кўпгина жиддий камчиликлар бор. Кўпгина институтлар ва тажриба станциялари колхоз, МТС ва совхозлар блан ҳали суст боғланганлар. Ба'зи институтларда фан соҳасига суқилиб кириб олган ва амалий ишни барбод этган кишилар ишламоқда. Мисол учун яна ўртоқ Дмитриевни олиб кўрайлик У, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ишига кўп зарар етказди. Дмитриевни Госпландаги вазифасидан бўшатганларидан кейин унга жанубдаги МТС ёки совхозлардан бирига бориб ишлашни таклиф этдилар. Дмитриев бу ерда, масалан, Херсон областида аралаштириб экиладиган ўтдан мўл ҳосил етиштириш мумкинлиги ёки мумкин эмаслигига амалда ишонч ҳосил қилаолар эди. Аммо у, бу таклифни рад этди. Дмитриев Фанлар академиясининг докторантурасига ўқишга кирди ва академик Т. Д. Лисенконинг хомилигидан фойдаланиб, биология фанлари доктори деган илмий даражани олишга уриниб кўрди. Бу шўринг қурғур олим экономика институтида ишлаб, ўзини қаҳрамондек ҳис этади ва ҳаммага қишлоқ хўжалик ишларини қандай олиб бориш кераклиги тўғрисида та'лим беради, университетда лекция ўқийди, хуллас фанни «бойитади». Биз, қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш тўғрисидаги масалани муҳокама қилишга киришдик-ку, ўртоқ Дмитриев бўлса, шу масала юзасидан кўпчилик олдида даҳол лекция, ўқишга шошилмоқда. Равшанки, бизнинг фанимиз учун бундай «олимлар»дан фойда йўқ.

Бундай мисоллар кам дейсизми? Афсуски, ўзларини илмий ходимлар деб атовчи, лекин, фанга ҳечқандай алоқаси бўлмаган айрим кишилар учраб туради.

Илмий муассасаларга кўпроқ э'тибор бериш, илмий ходимларга ёрдам кўрсатиш зарур, илмий муассасаларга тасодифан кириб олган ва ҳечқандай фойда келтирмаётган кишиларни эса бу муассасалардан чиқариш керак.

Илмий муассасаларнинг иш мазмунига кун сайин э'тибор бериш блан бирга, уларнинг қаерда жойлашганлигини ҳам кўздан кечириб чиқиш керак. Агар биз буни э'тибор блан кўздан кечириб чиқсак, бу соҳада ҳам кулгили ҳолларни анча кўп учратамиз.

Ма'лумки, қандлавлаги асосан Украинада ва Марказий қора тупроқ зонасининг жанубий районларида етиштирилади. Қандлавлаги илмий-текшириш институти эса Москва атрофидаги Ленин районида жойлашган. Бу институтнинг Москва яқинида жойланишига эҳтиёж борми? Йўқ. Ба'зи ходимларни қизиқтирган нарса фан манфаатлари бўлмай, бошқа манфаатлар бўлгани учун мазкур институт шу районда жойлаштирилган бўлса керак.

Москва ёнида асал-арачилик институти бор. Бечора асалариларі Улар доим химия заводларининг тутуни орасида бўғилмоқда, асал-арилар тутунни яхши кўрмасликларини биласиз. Лекин асал-ариларнинг манфаатлари ва иш манфаатлари мазкур институтдаги раҳбар ходимларнинг манфаатларига тўғри келмапди. Бу раҳбар ходимларнинг оладиган асаллари кўп эмас: аммо уларни кўпроқ Москвага яқин жойда турганликлари қизиқтиради, улар бошқа ерлардан келтирилган асални поитахт магазинларида сотиб олаоладилар-да. Институтни бошқа областьга жойлаштирганда асал-арилар ўзларини анча яхши ҳис этмасмидилар?

Сўнгра. Эфир мойли экинлар илмий-текшириш институтининг Москвада бўлишига қандай эҳтиёж бор? Ахир мойли экинлар асосан жанубий районларда етиштирилади-ку.

Ўртоқлар, бу ишга э'тибор бериб, бу соҳадаги нуқсонларни тузатиш керак. Қишлоқ хўжалик илмий институтлари ва тажриба станциялари ўзлари илмий-текшириш ишларини ўтказадиган экинлар кўпроқ етиштириладиган зоналарда жойлаштирилиши лозим.

Бизнинг мамлакатимизда ҳарбир республикада, ҳарбир областьда қишлоқ хўжалиги соҳасида илмий иш олиб бориш учун керакли шароит мавжуддир. Давлат зарур бўлган моддий воситаларни бермоқда. Фақат бир нарса талаб этилади. У ҳам бўлса қишлоқ хўжалигини ўрганиш ва фанни юксалтириш истагидир. Олимларнинг марказдан узоқда ишлаб, ўзларининг илмий кашфиётлари блан бутун дун'ёда шуҳрат қозонганликларини кўрсатадиган неча ўнлаб мисолларни келтириш мумкин.

Бизнинг партиямиз фанни қадрлайди, чунки фан бўлмаса олга қараб боролмаймиз. Совет ҳукумати олимларни қўллаб-қувватлаб келди ва бундан кейин ҳам ҳартомонлама қўллаб-қувватлайди, ижодий иш учун бутун шароитни вужудга келтирди ва бундан кейин ҳам вужудга келтиради. Аммо биз, фан соҳасига суқилиб кириб олган ва агар институт Москвада, Сочида ёки жуда бўлмаганда Пятигорскда жойлашмаган тақдирда илмий ишлар тўхтаб қолади деб ҳисоблайдиган сохта олимларга қаршимиз.

Қишлоқда партиявий-сиёсий ишларни юксак даражага кўтарайлик

Марказий Комитет сентябрь Пленумининг қарорларини бажариш йўлидаги курашни уюштириб, республика, ўлка, область ва район партия комитетларини мустаҳкамлашга, уларнинг қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилиш соҳасидаги ишларини яхшилашга жуда катта аҳамият беради.

Марказий Комитет қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда катта хатоларга йўл қўйган республика, ўлка ва область партия органларининг фаолиятига зўр э'тибор бераётганлиги табиий бир қолдир. Марказий Комитет сентябрь Пленумидан кейин Қозоғистон Компартияси Марказий Комитети, Молдавия Компартияси Марказий Комитети, Бошқирдистон, Тула, Кострома, Молотов, Астрахань, Воронеж, Новгород, Великие-Луки, Калинин, Брянск, Смоленск, Крим, Орел ва Ярославль область партия комитетларининг докладларини эшитди.

Биз, бирор партия комитетининг ишларини қараб чиққан пайтда партия комитети бюросининг барча а'золарини Марказий Комитетга чақирдик, область, ўлка, республикадаги ишларнинг аҳволи тўғрисида уларнинг докладларини эшитдик. Бунда асосан қишлоқ хўжалигининг аҳволи кўздан кечирилди.

Масалани бюро а'золари блан биргаликда қараб чиққан пайтда камчиликларни очдик, умумий хулосаларни чиқардик. Аммо қарорлар қабул қилмадик, балки партия комитетининг пленумини чақириш ва ҳал этиш пайти келиб қолган масалаларни муҳокама қилиш тўғрисида бир фикрга келдик. Партия комитетининг пленумига Марказий Комитетнинг вакили борди ва бу вакил ўз нутқида аниқланган камчиликларни кўрсатиб берди. Бундай тартиб партия активи ва барча партия а'золарининг партия иши учун жавобгарлигини оширишга ёрдам беради.

Марказий Комитетда область, ўлка партия комитетлари ва иттифоқчи республикалар Компартияси Марказий Комитетлари ишларининг муҳокама қилиниши қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масалаларига ҳамма ерда э'тибор қучайтирилган бўлса ҳам, ба'зи область партия комитетларининг секретарлари ва область ижроия комитетларининг раислари Пленумнинг қарорларидан ўзлари учун зарур бўлган ҳамма хулосаларни чиқариб олмаганликларини кўрсатди. Бу гап даставвал Новгород, Калинин, Кострома, Молотов ва бошқа ба'зи областьларнинг раҳбарларига тааллуқлидир. Улар ўз ишларини Марказий Комитет Пленумининг қарорларига мувофиқ суратда қайтадан қураолмаганлар, умумий тарзда раҳбарлик қилишдан воз кечмаганлар, ишнинг кўзини яхши билиб конкрет раҳбарлик қилиш йўлига ўтмаганлар, хўжаликни ва илғор колхозларнинг тажрибаларини ўрганмаганлар. Уларнинг қандай ишлаб чиқариш усуллари яхши натижалар беражагини билмаганликлари аниқланди. Ана шу шарт-шароит бўлмаса, раҳбар чинакам кучга эга бўлолмайди, бошқаларни ўзига эргаштириб боролмайди, уларга та'лим беролмайди, улар олдига зарур талабларни қўяолмайди.

Ўз раҳбарлигида бўлган ишига мурожаат қилиб, чопиқ ишларини механизациялаш керак деган умумий гап блан чекланиб қолган раҳбардан, чопиқ қилинадиган экинлар нима, қандай экинлар чопиқ қилинади ёки уялаб-квадрат шаклда экиш усули нима ва қандай қилиб квадрат ҳосил бўлади, деб сўраганларида, жавоб беролмайдиган, ёки тутуруқсиз чалкаш жавоб берадиган раҳбардан қандай дуруст раҳбарлик кутиш мумкин. Шу Пленумда қатнашаётган Молотов область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Никольский, Кострома область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Хорьков ва бошқалар ана шундай раҳбарлар жумласидандир. Ўртоқ Никольский зиғиркорлик областида ишлайди, лекин шунга қарамай, зиғирни чопиқ қилинадиган экин деб ҳисоблайди.

Ба'зи партия ва совет ходимлари қишлоқ хўжалигини билмаганликлари ва уни чинакам ўрганишни хоҳламаганликлари ҳолда ноқулай аҳволга тушиб қолмаслик учун колхозчилар, МТС ва совхоз ишчилари блан кам учрашишга ҳаракат қиладилар, жойларга бормаслик пайига тушадилар.

Директивани имзолаш, минбарга чиқиб гапириш, умумий установкани такрорлаш, чақириқ блан майдонга чиқиш қабул қилинган қарорнинг амалда бажарилишини уюштиришга қараганда жуда осон иш, албатта. Одатда раҳбар директивани имзолаб кабинетдан чиқмайди, минбардан президиумга қайтади ва шунинг учун ҳатто ишни билмаса ҳам ўзини билармон деб ҳис этиши мумкин. Бундай раҳбар далада, фермада, колхозчилар ўртасига кирадиган бўлса бошқа гап, бу ерда унга конкрет саволлар беришлари ва унинг иш билмаслигини очиб қўйишлари мумкин.

Иттифоқчи республика Компартия Марказий Комитетлари ва область партия комитетларининг ҳисоботлари муҳокама қилинган вақтда ба'зи партия ва совет органларининг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун мавжуд имкониятлардан яхши фойдаланмаётганлиги аниқланди. Қозоғистон ССРдаги аҳвол буни яққол исбот этади. Республиканинг ер бойликлари ғоят кўп эканлигини, унда чорвачиликни ривожлантириш учун қандай қулай шароитлар борлигини юқорида айтиб ўтдим. Қозоғистон Украинадан кам бўлмаган миқдорда ғалла бераолади, ўгшт ва жунни Украинадан бирнеча марта кўпроқ тайёрлаб бераолади. Қозоғистон кўп миқдорда пахта, мева, қанд ва бошқа маҳсулотларни бераолади. Қозоғистон фойдали қазилмалар чиқаришни кўпайтириш учун катта имкониятларга эгадир. Қозоғистонда кўмир, мис ва шу сингарилар кўп.

Аммо шуни э'тироф қилиш керакки, республика партия ташкилотига сўнгги пайтларгача суст раҳбарлик қилиб келинди. Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг собиқ биринчи секретари ўртоқ Шаяхметов менинг фикримча, соф виждонли киши ва бу жиҳатдан унга ҳечким ҳечқандай да'во қилмайди. Аммо бундай катта республика учун у кучсиз раҳбар эди.

Ҳозирги вақтда Қозоғистон қишлоқ хўжалиги олдида 6 миллион гектардан ортиқ қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришдан иборат янги ва катта вазифа турипти. Республикада партия раҳбарлигини яхшиламай туриб ана шу мураккаб вазифанинг муваффақиятли ҳал этилишига умид боғлаш қийин. Шу муносабат блан Қозоғистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг а'золари КПСС Марказий Комитетига чақирилди. Биз, республика қишлоқ хўжалиги олдига қўйилган вазифаларни бажариш учун қандай тадбирлар кўриш кераклиги тўғрисидаги масалани улар блан биргаликда муҳокама қилдик. Муҳокама натижасида ҳаммамиз республикада партия раҳбарлигини мустаҳкамлаш талаб этилади, деган хулосага келдик. Бу масалани Қозоғистон Компартияси Марказий Комитети Пленумининг муҳокамасига қўйдик. Пленум республика раҳбарлигини мустаҳкамлаш, Шаяхметов ва Афонов ўртоқларни секретарьлик вазифаларидан озод қилишга қарор қилди. Ўртоқ Пономаренко Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ва ўртоқ Брежнев иккинчи секретари қилиб сайланди

Шуни та'кидлаб ўтиш керакки, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитети Пленумининг

Мамлакатда ғалла етиштиришни янада кўпайтириш тўғрисида ҳамда қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш тўғрисида

КПСС Марказий Комитетининг Пленумида ўртоқ Н. С. ХРУШЧЁВНИНГ 1954 йил 23 февральдаги доклади

(БОШИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Яроқсиз ходимни қуйи ишга юбориш ўрнига кўпинча бир областьдан бошқа областьга кўчирадилар. Шундай ҳоллар ҳам бўладики, ишни барбод этган ходимни бошқа областьга юбориш иложи бўлмаса, уни бир йиллик курсларга, партия олий мактабига ёки Ижтимоий фанлар академиясига ўқишга тавсия этадилар. Бундай ходим курс ёки мактабни тамомлаб чиқиб, партия комитетига келганида уни қаерга тавсия қилишни билмайдилар, чунки, у илгари қайси ташкилотдан кетган бўлса, бу ташкилот уни қабул қилмайди, уни бошқа ишга юбориш хавфли, чунки у ишни эплайолмайди. Бундай либерализм партия манфаатларига хилоф бўлиб, ишга зарар етказади. Кадрларни тайёрлаш ва танлашга бундай муносабатда бўлиш мутлақо нотўғридир ва бундай аҳвол қораланиши керак.

Яна шундай камчилик ҳам йўқотилган эмас: маҳаллий партия органларининг иши тўғрисидаги масалани муҳокама қилишга тайёрлаган вақтда ҳархил материаллар тўплашга кўпроқ э'тибор берилади. Бундай материаллар асосида бир қолипдаги резолюция тузилади. Бирнеча йил мобайнидаги деловларни олиб кўриб чиқилганда беш йил илгари тузилган резолюция билан бирнеча ой илгари тузилган резолюция бирбирига жуда ўхшаб қолганлигини кўриш мумкин. Район ва шаҳарларнинг номи ўчириб ташланса, бу резолюцияларни ҳаркайси районнинг дейиш ҳам мумкин. Бу резолюцияларда ҳамма иш силлиқ деб кўрсатилади, қаттиқ танқид қилинган жойлари ўчирилади. Бундай резолюция ҳеч кимни ҳеч нарсага ўргатмайди, ҳеч кимни танқид қилмайди, қуруқ чақириқкина бўлиб қолиши мумкин, аҳвол эса яхшиланмай қолаберади.

Масалаларни кескин тарзда қўйиш, ишнинг қандай аҳволда эканлигини чуқур ўрганиш керак ва асосий э'тиборни материал тўплашга эмас, балки район партия комитетларига инструкция беришга қаратиш лозим, токи аппарат ходимларининг куч-ғайрати директивалар тузишга эмас, балки жойлардаги кишиларга инструкция беришга ва конкрет ишларга сарф қилинсин.

СССР Министрлар Совети ва партия Марказий Комитети қишлоқ районларида раҳбарликни яхшилаш мақсадида Россия Федерациясидаги бирқанча йирик областьларни майдалаш зарур деб топдилар. Янги областьлар—Арзамас, Балашев, Белгород, Каменский ва Липецк областьлари тузилди. Бундан бирқанча вақт илгари Магадан области ташкил қилинди. Украина ССР составида янги Черкасск области тузилди. Измаил области кичкина область бўлганлиги сабаби тугатилиб, Одесса областининг составига қўшилди.

Белоруссия республикасидаги областьлар йириклаштирилди. Белоруссия республикасида ҳозир 12 та кичик область ўрнига 7 та йирик область бор. Йириклаштириш натижасида область муассасалари ва ташкилотларининг аппаратларидаги ходимлардан 11 мингга яқин киши бўшади. Бу эса республикадаги район, МТС ва колхозларни раҳбар кадрлар блан анча мустаҳкамлаш имконини беради.

Партия райкомларининг ишларига доир ба'зи масалаларга тўхталиб ўтаман. Қишлоқ район партия комитетларининг ишларини қайта қуриш ҳали тамомланган эмас. Агар бу ишга расмиятчилик кўзи блан қараладиган бўлса обкомларнинг кўпчилиги ва эҳтимол ҳаммаси райкомларнинг МТС зоналари бўйича секретарьларини танлаганлар, инструкторлар ажратганлар. Ташқаридан қараганда ҳамма иш кўнгилдагидек бўлиб кўринади. Лекин бу сиртдан қарагандагина шундай. МТС ва колхозларда ишлаш учун ажратилган кишиларнинг савияси, уларнинг тайёргарлиги МТС зонасидаги колхозларда олиб бориладиган партиявий-сиёсий ишнинг бевосита ташкилотчилари сифатида улар зиммасига юкланган вазифаларга ҳамма вақт ҳам жавоб беради деб бўлмайди.

Кўпгина райком секретарьлари машина-трактор станциялари ва колхозларга худди меҳмондек йўл-йўлакай келиб кетадилар. Бу ерларга келиб кенгаш ўтказадилар ва кечки овқатга кечикиб қолмаслик учун уйларига, район марказига боришга шошиладилар.

Марказий Комитетнинг ходимлари яқинда Кострома область Галич район партия комитетининг ишини ўрганиб чиқдилар. Районда ҳар 2—3 кунда мажлис ўтказиб турилганлиги ва колхоз раислари, агрономлар, зоотехниклар, бригада бошлиқлари бу мажлисларга чақириб турилганлиги аниқланди. Одамлар бу кенгашлардан безор бўлиб қолганлар. Райондаги кишиларнинг айтишича, бу кенгашлар энди «қўшолоқ» бўлиб қолди—ҳам район марказида, ҳам МТСда ўтказиладиган бўлиб қолди. Пронино МТСининг ветеринария врачи ўртоқ Брянцев аччиқланиб бундай дейди:

«Ҳозир ветеринария ходимлари учун жуда мас'улиятли бир пайт келди.—Сигирлардан бузоқ олиш, қўйларни қўзилатиш бошланди. Бизни, ветеринария ходимларини эса гоҳ районга, гоҳ МТСга чақирадилар ва икки-тўрт кунлаб кенгаш ва семинарларда тутиб қоладилар. Ишлашга ҳам вақт бўладими, ахир?».

Район партия комитети яқинда агитаторларнинг район кенгашини ўтказишга қарор берган. Аммо райком кенгаш олдидан ҳеч қандай тайёргарлик кўрмаган ва агар «бахтли» ҳодиса юз бермаганида бу кенгаш муқаррар ўтказилмай қолар эди. Район ижроия комитети кенгаш ўтказиладиган кунда чорвачилик ходимларини чақирган. Шундай қилиб шаҳарга колхозлардан 400 киши келиб қолган. Райком секретари район ижроия комитетининг раиси блан узоқ баҳслашганидан кейин чорва ходимлари кенгашни эмас, балки агитаторларнинг район кенгашини ўтказишга қарор берган. Шу ерда ҳозир бўлган кишиларга агитаторлар кенгашида қатнашмоқдасиз деб э'лон қилганларида кўпчилик таажжубланган. Райкомнинг биринчи секретари ўртоқ Насонов ларга Марказий Комитетнинг сентябрь Пленуми тўғрисидаги эски докладини ўқиб берган, шундан кейин кенгашни ёпиб, «кенгаш ўтказдик» деб обкомга ма'лумот берган.

Сентябрь Пленумининг қарорларини колхозчиларга тушунтириш учун райком томонидан ажратилган докладчиларнинг кўпи жойларга бормаган. Бунинг натижасида бирқанча колхозларнинг а'золари шу вақтгача Пленум қарори блан таништирилмаган, улар қарор тўғрисида одамлардан эшитибгина билганлар. Доклад ўтказилган колхозлардаги йиғилишларда колхозчиларнинг кўп деганда 30—40 процента қатнашган, чунки доклад ва лекциялар колхозларнинг марказий усадьбаларидагина ўқилган. Докладчилар ишлабчиқариш бригаделарига, аҳоли яшайдиган кичик пунктларга бормаганлар.

Пронино МТСи зонаси бўйича райком секретари ўртоқ Смирнов «Колос» колхозида икки марта бўлган. Аммо у қўклам экишига тайёргарликни яхши уюштиришда колхоз правлениесига ёрдам бераолмаган. Колхозда кўп камчиликлар бор. Ўртоқ Смирнов эса бу камчиликларга э'тибор қилмаган. У январь ойи мобайнида тўрт колхозда 8 кун бўлган, МТС усадьбасида 7 кун бўлгани ҳолда тракторчилар блан атиги бир марта суҳбат ўтказган. Ўртоқ Смирнов ойнинг қолган 15 кунини район партия комитетида чақирилган кенгаш ва мажлисларда ўтказган. Район партия комитети МТСдан 25 километрлик масофададир. Ўртоқ Смирнов колхозчилар ўртасида сиёсий темаларда бирор марта ҳам доклад қилмаган. Район партия комитетининг Степановский МТСи зонаси бўйича секретари ўртоқ Загревский ҳам худди шундай иш олиб боради. У январь ойида 6 кун ичида 6 колхозни айланиб чиққан. Бу колхозларнинг ҳарбирида бирнеча соатдан бўлган. У қолган вақтини райкомда кенгаш ва мажлисларда ўтказган.

Район партия комитетининг ходимлари МТС зоналари бўйича тақсимланганидан кейин райкомнинг биринчи секретари ўртоқ Насонов колхозларга бутунлай бормай қўйган ва ўз вазифасини райкомга келучиларни қабул қилиш блан чеклаб қўйган.

Бундай камчиликлар кўпгина қишлоқ район партия комитетларига ҳам хосдир.

Қишлоқ партия райкомларининг ишини қайта қуришда асосий роль ўйнайдиган нарса масаланинг миқдор жиҳати я'ни қанча одам танланганлиги ва улар қандай постларга қўйилганлигигина эмас. Асосий нарса кишиларни тайёрлаш масаласидир. Райкомларнинг ходимлари ўз олдиларида турган вазифаларни яхши тушунишлари, колхоз ишлабчиқаришини пухта билишлари, кишилар блан ишлай олишлари, партия ишини севишлари керак. Партия ишини севиш—омма блан ишлашни севиш, омманинг талабларини билиш, колхозчилар, МТС ва совхоз ходимлари блан доим алоқа боғлаш демакдир. Олдимизда турган вазифаларни ҳал этиш йўлида оммани уюштириш, ишни яхшилашда уларга ёрдам бериш керак.

Кўпгина район партия комитетларининг секретарьлари, область комитетларидан намуна олиб, кенгашлар ўтказиш блан кўп шуғулланмоқдалар. Агар шундай деб айтиш мумкин бўлса, колхозларнинг, МТСларнинг ходимларини ҳархил кенгаш ва мажлисларга судраганлари-судраган.

Районда кенгашлар қанчалик кўп чақирилса, ишнинг даражаси шунчалик юқори деб ўйлаш хато бўлур эди. Энг муҳим нарса — ҳарбир колхозчи блан, бир группа колхозчилар блан иш олиб боришдан иборат. Ана шундай иш, энг самарали ишдир.

Онги кам, саводи кам, қолоқ кайфиятли кишиларни ўз та'сиримиздан чиқариб қўйиш ярамайди. Бундай кишиларнинг одатда меҳнат кунлари кам бўлади. Агар колхозда ҳосил паст, чорвачиликнинг маҳсулдорлиги кам бўлса, у вақтда колхозлар оз даромад олади, меҳнат кунларининг қиммати паст бўлади. Бундай колхозларда кишилар блан мустаҳкам колхозлардагига қарагандa кўпроқ ишлаш керак. Бунда ҳам энг муҳими — кишилар блан якка-якка иш олиб боришдир, токи бугун қолоқ бўлган кишилар заиф колхозларнинг қолоқлигини енгиш учун актив курашчилар қилинсин. Бу ҳил кишиларни ионтириш керакки, фақат ҳосилни ва чорвачиликнинг маҳсулдорлигини ошириш йўли блангина колхознинг, барча колхозчиларнинг ҳарбир айрим колхозчининг фаровонлигини ошириш мумкин.

Район партия комитетининг МТС зонаси бўйича секретари колхоз ишлабчиқаришини бригадаларда, звеноларда, чорвачилик фермаларида яхши уюштиришда кишиларга ёрдам бериши лозим. Токи, кишилар уни ташкилотчи деб билсин, унинг ёрдамини доимо сезиб турсин. У ўзи тушуниб етаолмаган мураккаб қишлоқ хўжалик масалаларида колхоз агрономларини жалб қилиши, МТС бош агрономини жалб қилиши керак. Агар масала янада мураккаброқ бўлса,—область марказидаги ишнинг кўзини билган кишилардан сўраш, четдан тажрибали ходимларни таклиф этиш, лекин ишни охиригача етказиш керак. Партия ходими мақсадга етишда саботли бўлиши, қишлоқ хўжалигини юксалтиришга халқит бераётган ҳамма нарсани енгиш, уддалайолиш учун зўр ғайрат кўрсатиши, ҳарбир бригаданинг, колхознинг ишини яхшиларга эришиши, колхозларда ҳосилни кўтаришга, чорвачиликнинг маҳсулдорлигини оширишга эришиши лозим. Район партия комитетларининг МТС зоналари бўйича секретарьларининг асосий вазифаси ана шундан иборат.

Демак, канцелярия ва кабинетларда ёқтни камроқ ўтказиб, кишилар блан кўпроқ ишлаш, колхоз, МТС ва совхозлардаги бошланғич партия ташкилотларини ҳартарафлама мустаҳкамлаш, амалий масалаларни ҳал этишда, омма ўртасида сиёсий ишларни олиб боришда уларга ёрдам бериш керак.

Қишлоқ район партия комитетларининг иши қайтадан қурилиши муносабати блан район комитети биринчи секретарининг роли ҳам ўзгарди, унинг вазифалари кўпайди. Лекин ба'зи район комитетларининг биринчи секретарьлари бу нни тушунмаётирлар. Улар модомики, эндиликда район партия комитетларининг ҳарбир МТС зонасидаги колхозларда ишлаш учун секретари бор экан, биринчи секретарьларнинг қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишдаги роли камайди деб ҳисоблайдилар.

Агар район комитетининг биринчи секретари МТС ва колхозларнинг фаолиятига «аралашиши» истамаса, бу хил райком секретаридан ҳеҳқандай яхши нарсани қутиб бўлмайди. Район комитети биринчи секретарининг, ишнингдек район ижроия комитети раисининг МТС ва колхозлардаги ишлар учун масъулияти қиёс қилиб бўлмаслик даражада ўсиб бормоқда. У жавобгарликдан қочмаслиги, ҳарбир колхозга, совхоз ва МТСга раҳбарлик қилишдан ўзини четлатиб қўймаслиги лозим.

Марказий Комитетга ма'лум бўлишича, ба'зи район комитетларида МТС зонасидаги колхозларда ишлаш учун ажратилган партия ходимлари қаерда, район марказидами ёки МТС дами яшашлари керак? деб баҳслашмоқдалар. Мана бундай беҳуда баҳслашларни тўхтатиш керак. Ахир, кишиларнинг ишлаётган жойларда туришлари кераклиги равшан эмасми? МТС зонасидаги колхозларга хизмат қилиш учун ажратилган ҳамма ходимлар, шубҳасиз, МТС территориясида туришлари лозим. Агар ҳозирги вақтда бунинг учун имконият бўлмаса, уларни МТСга энг яқин бўлган қишлоқда жойлаштириш керак.

Партия райкоми — омма ўртасида сиёсий ишларни уюштиришнинг энг муҳим марказидир. Район партия комитетининг иш натижалари райкомдан ёзилган қоғозларнинг сони, ўтказилган кенгаш ва мажлисларнинг сони блан эмас, балки район партия комитетининг партия томонидан қўйилган вазифаларни бажариш учун курашга қандай бошчилик қилаётганлиги, бу кураш қандай натижалар бергانлиги блан белгиланади. Райкомнинг омма ўртасида олиб бораётган сиёсий ишдаги муваффақиятлари райондаги колхозларнинг, МТС ва совхозларнинг иқтисодий кўрсаткичлари блан белгиланади.

Ҳозирги вақтда қишлоқ районларида уч миллионга яқин партия а'зоси ва кандидати ишлаб турипти. Қишлоққа партия кучлари қандай жойлаштирилган? Қишлоқ районларидаги коммунистларнинг умумий сонидан 30 процента район ташкилотларининг муассасаларида, 20 процента саноат корхоналарида ва фақат 31 процента колхозларда, 8 процента МТСларда ва 4,3 процента совхозларда ишлаб турипти. Колхоз ишлабчиқаришининг чорвачилик сингари муҳим тармоғида фақат 18,7 процент колхозчи-коммунистлар ишлаб турипти.

Кўпгина райкомлар, колхозчиларни партияга қабул қилиш масалалари блан мутлақо шуғулланмаётирлар. Ма'лумки, партия кейинги йиллар ичида КПССга қабул қилишни чеклаш сиёсатини амалга оширмоқда, лекин бу илғор колхозчиларни партияга қабул қилишни бутунлай тўхтатиб қўйиш керак деган сўз эмас. Ҳолбуки, ўтган йили партияга 16.620 колхозчи қабул қилинди, холос. Шу блан бирга колхозлардаги бошланғич партия ташкилотларининг тўртдан уч қисми ва 585 қишлоқ райкоми 1953 йил мобайнида партияга битта ҳам колхозчини қабул қилмади. Бу камчиликни тугатиш зарур.

Қишлоқда партиявий-сиёсий ишларнинг савиясини юксалтириш учун партия ва совет раҳбарларининг район эвеносини кадрлар блан мустаҳкамлаш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Буни Марказий Комитетнинг сентябрь Пленуми кўрсатиб ўтди. Афсуски, бу соҳада ҳали кам иш қилинганлигини та'кидлаб ўтишга тўғри келади. Кўп областьларда қишлоқ райкомлари ва район ижроия комитетларга ходимлар кам юборилган. Масалан, Москва обкоми қишлоқ районларидаги партия ва совет раҳбарлигини мустаҳкамлаш учун атиги уч кишини юбориш блан қифояланган, КПСС Ленинград обкоми эса бир киши ҳам юбормаган.

Бирқанча ҳолларда область марказларидан районларга уччалик яхши ходимлар юборилмаган. Ўтган йили Молдавия ССРда округлар тугатилди, шу муносабат блан 400 га яқин раҳбар партия ва совет ходими бўшади. Молдавия компартияси Марказий Комитети партия ва совет раҳбарлигини мустаҳкамлаш учун районларга энг яхши ходимларни танлаш имкониятига эга эди. Лекин бу иш қилинмади. Илгариги округ комитети секретарьлари, округ ижроия комитетларининг раислари ва уларнинг ўринбосарларидан ҳеҳким районларга раҳбарлик ишига юборилмади.

Қолоқ районларни партия ва совет кадрлари блан мустаҳкамлаш зарурлиги айниқса кучли сезилмоқда. Бу районлар учун область, ўлка ва республика ташкилотларидаги энг яхши ходимларни танлаш керак.

Мен ўз докладимнинг бошида МТС ва колхозларда ишлаш учун қанчалик кадр юборилганлиги ҳақида гапириб ўтдим. Лекин бу ҳали ишнинг фақат бошланғичи, МТС ва колхозларни кадрлар блан мустаҳкамлаш йўлида биринчи қадамларгина қўйилди.

Ба'зи область комитетлари колхозлар, машина-трактор станциялари учун кадрлар танлашга юзаки қарадилар ва бу ишни йўл қўйиб бўлмаслик даражада чўзиб юбордилар. Бирқанча ҳолларда колхоз ва МТСларга яроқсизлиги кўриниб турган, корхоналарда ишни барбод қилган ходимлар юборилди.

Колхоз ва МТСларда ишлаш учун кадрларни тавсия қилаётган ташкилот раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини белгилаш керак. Шу блан бирга йўл қўйилган хатоларни тезроқ тузатиш зарур, албатта.

Машина-трактор станцияларининг ишини яхшилаш соҳасидаги муҳим вазифалардан бири — МТСларда доимий механизатор кадрлар вужудга келтиришдир. Кўп районларда бу иш йўл қўйиб бўлмаслик даражада чўзилиб кетмоқда. Тракторчиларнинг анча қисми фақат расмият учунгина МТС штатига ёзилган бўлиб, то ҳозиргача ишга жалб қилинмаган. Шундай бўлиб чиқдики, тракторчилар расман колхозлардан кетишди, аммо улар МТСнинг ишлабчиқариш ишига қатнашмаётирлар.

Қишлоқ хўжалигига мутахассислар танлаш ва юборишни давом этдириш керак. Ҳозир бизда колхозлар шундай каттакки, энди йирик фермада зоотехникка, йирик далачилик бригадасида агрономга эга бўлиш фойдали бўлар эди.

Мутахассисни колхозга юориш блан чекланиш ва ўзи ўз ҳолига ташлаб қўйиш ҳам ярамайди. Мутахассиснинг колхозда ўз жойини белгилаб олишига ёрдам бериш, унинг билимини, куч-қувватини ижодий ишларга қаратиш керак.

Шундай ҳоллар ҳам кўп учрайдики, қишлоқда ишлаш учун белгиланган агроном ва зоотехниклар ҳозиргача колхозларга жўнаб кетмаганлар ёки уларда онда-сондагина бўладилар. Кўп мутахассислар иқтисодий жиҳатдан мустаҳкам колхозларда ёки шаҳар ва район марказлари яқинида бўлган колхозларда ўрнашиб қолганлар, агрономлар ва зоотехникларга ҳаммадан кўпроқ муҳтож бўлган қолоқ колхозларнинг бир қисмида ҳозиргача мутахассислар йўқ.

Белоруссия ССР, Могилев областидаги Горецкий районида 59 колхоз бор. Райондаги қишлоқ хўжалик мутахассисларининг сони 86 та ҳисобланади. Шунга қарамай район марказидан энг узоқ ва иқтисодий жиҳатдан энг заиф бўлган 17 колхозда мутлақо мутахассис йўқ. Шу блан бирга энг мустаҳкам ва район маркази яқинида жойлашган 12 колхозга 26 мутахассис юборилган.

Ба'зи мутахассислар ўз вазифаларини нотўғри тушунмоқдалар ва ма'муриятчилар ролида иш кўрмоқдалар. Орел областидаги Городищенский МТСи хизмат қилаётган «Коммунар» колхозида агроном Сидоренко ва зоотехник Чунихин ишлаб туриптилар. Улар колхознинг ишини яхшилаш тўғрисида чинакам қайғирмаётирлар. Ўртоқ Сидоренко эрталаб соат 10—11 да ишга чиқади ва кундуз соат 4—5 да ишдан кетади. Бу мутахассислар фермойишлар дафтари жорий қилиптилар. Бу дафтарга улар колхоз раисига берадиган «кўрсатмаларини» ёзиб қўядилар. Масалан, 20 декабрьда зоотехник Чунихин бундай деб ёзган: «Чорвачиликни кўздан кечириб, йирик қорамоллар айниқса ғунажинлар подада боқилаётганлигини аниқладим. Колхоз раисига тахта сотиб олиш, охурлар ясаш, туз келтириш ва 2—3 кун ичида уруғларни саралаш мажбуриятини юклайман». Агроном ўртоқ Сидоренко 21 декабрьда бундай деб ёзган: «Колхоз раисига молхонада дарҳол тартиб ўрнатишни таклиф қиламан». Равшанки, мутахассисларнинг мана бу хилдаги фаолиятидан колхозларга жуда кам фойда бўлади.

Кадрлар блан ишлашдаги энг заиф жой — колхоз раислари танлашнинг мутлақо қониқарсиз бўлишидир. Ба'зи колхозларга ҳозиргача ишга яроқсиз бўлган, лапашанг одамлар, ичкиликбозлар бошчилик қилиб келмоқдалар. Бу хил кишиларни колхоз раҳбарлигига яқин йўлатмаслик керак. Марказий Комитетга ва ҳукуматга колхозчилардан ана шундай ярамас колхоз раҳбарлари ҳақида шикоятлар келмоқда.

Раҳбар колхоз кадрлари тайёрлаш иши кўнгилдагидек эмас. Мамлакатда колхоз раислари тайёрлайдиган 118 та ўрта қишлоқ хўжалик мактаби бор. Кўп мактаблар ўқувчилар қабул қилиш планларини бажармасдан келадилар ва кўпинча ёшлари ва ҳатто ўспиринларни қабул қиладилар. Масалан, Новгород қишлоқ хўжалик мактабининг биринчи курсига бу йил қабул қилинган 75 кишидан 17 тасигина колхозларда раҳбарлик ишлари тажрибасига эга бўлиб, қолганлари ўспиринлардир. Бошқа мактабларда ҳам аҳвол таҳминан ана шундай. Ленинград ўтган йили қишлоқ хўжалик мактабларини тамомлаган 8.900 кишидан колхоз раислигига фақат 1.800 кишигина юборилди. Колхоз раислари тайёрлаш ишини яхши йўлга қўйиш керак.

Колхоз раиси — колхоз ишлабчиқаришида марказий фигурадир, район раҳбарлари томонидан колхоз раисига муносабат эса — ба'зан чидаб бўлмаслик даражада бўлаётир. Москва область Ленин районидаги «Большевик» колхозининг раиси ўртоқ Муромский КПСС Марказий Комитетига мана бундай деб ёзади:

«Биз, колхоз раислари ҳар куни колхозчилар блан иш олиб бормоқдамиз, улар блан кўпроқ суҳбатлашишга, уларни ионтиришга, тушунтириб беришга интилмоқдамиз. Кўп район ташкилотларининг раҳбарлари эса колхоз раисларига ёмон муносабатда бўлмоқдалар. Ҳарбир директиванинг охирига: Агар шу иш қилинмаса, сиз, колхоз раиси судга бериласиз, жиноий жавобгарликка тортиласиз ва ҳоказо деб илова қилинади. Район ижроия комитети раиси ўртоқ Зайцев қўл қўйган шундай қоғоз ҳам бўлди: Агар ёғоч тайёрлашга колхозчиларни юбориш та'минланмаса, у вақтда Кострома областига ёғоч тайёрлашга юборилиш учун шахсан колхоз раисининг ўзи тўпланиш пунктига келиши мажбурдир».

Партия ташкилотлари, одатда, колхоз раислари блан яхши ишламаётирлар, уларни тарбиялаш ҳақида қайғирмаётирлар. Кўп район партия комитетлари ва район ижроия комитетлари уларга нисбатан фақат ма'мурий чора методларини қўлланмоқдалар. Колхоз раисларига эҳтиётлик блан муносабатда бўлиш, уларга кўпроқ ёрдам бериш ва уларни қўллаб-қувватлаш зарур.

Кадрлар ҳақидаги масала — бутун ишимизда асосий масаладир. Яхши кадрлар — яхши МТС директорлари, совхоз директорлари ва колхоз раислари, агрономлар, зоотехниклар, инженерлар, бригадирлар, тракторчилар ва комбайнчилар — қишлоқ хўжалигини юксалтириш учун, мамлакатда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини мўл-кўл қилиш учун курашда муваффақиятларга эришишнинг гаровидир.

Мен юқорида партия ва қишлоқ хўжалик органларининг қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилиш ишидаги жиддий камчиликлар ҳақида гапирдим. Биз камчиликларни дадиллик ва қат'ият блан очиб ташлашимиз, уларни тугатишимиз лозим, чунки биз фақат шундай қилгандагина ҳамма ишимизни яхшилайоламиз. Биз камчиликларимизни очиқдан-очиқ танқид қилишимиз блан совет мамлакатининг душманларига, ҳархил фитна-фасодчиларга бирмунча вақтга озиқ берсак ҳам, бизни бундай факт жиддий ташвишга солмаслиги керак. Биз ўз камчиликларимизни очиб ташлаганимизда, бу душманлар Совет Иттифоқининг заифлиги ҳақида вайсайдилар. Лекин халқда шундай мақол бор: «Ит ҳурар, карвон ўтар». Биз душманларнинг ёвуз ниятларига э'тибор қилмаслигимиз керак.

Камчиликларни танқид қилиш ва ўз-ўзини танқид — бизнинг синалган қуролимиздир. Камчиликларни танқид қилиш бизни фақат кучайтиради. Бу танқид бизнинг заифлигимизни кўрсатмайди, балки совет тузумининг кучини. Коммунистик партиянинг кучини кўрсатади. Ишимиздаги камчиликларни кат'ият блан очиб ташлаб, уларни тезроқ тугатишга эришиб, биз шу блан социалистик хўжалигимизнинг ўсишини тезлатамиз, совет давлатимизни мустаҳкамлашга эришамиз.

☆ ☆ ☆

Ўртоқлар, қишлоқ хўжалигини кескин суратда юксалтириш учун кураш ҳозирги вақтда коммунистик қурилишнинг энг муҳим участкаларидан биридир. Совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида бу вазифани амалга оширишга, ишнинг муваффақиятига қаттиқ ишонган ҳолда киришди. Олдимизда кўп қийинчиликлар турипти, лекин совет кишилари мақсадга эришиш учун кучларини аямайдилар. Совет кишилари социалистик индустрияни қудратли равишда юксалтиришни та'минлаганликлари ва хўжалик қурилиши соҳасидаги бошқа вазифаларни муваффақиятли ҳал этганлари сингари, қишлоқ хўжалигини кескин суратда юксалтиришни ҳам та'минлайдилар.

Социалистик Ватанимиз янги кучли юксалиш йўлидан бормоқда. Совет Иттифоқининг тинч қурилишдаги муваффақиятлари дўстларимизнинг қалбларини дадиллик ва ишонч ҳислари блан тўлдирмоқда, душманларимизнинг қаҳр-ғазабини оширмоқда. Империалистлар Совет Иттифоқининг иқтисодий тараққиёт даражаси ва мамлакатимизда аҳоли жонбошига мол ишлабчиқариш даражаси энг ривож топган капиталистик мамлакатлардаги энг юксак кўрсаткичлардан қайси йилда ўзиб кетажагини ҳисоблашга киришаётирлар. Бу ҳудди шундай бўлади — бунга улар шубҳа қилмайдилар. Бундай перспектива уларни ваҳимага солмоқда.

Коммунистик партия ва совет ҳукуматининг ички ҳамда ташқи сиёсатини совет халқи бениҳоя қўллаб-қувватламоқда, бу сиёсатни бутун илғор инсоният қизғин ма'қулламоқда. Бу — равшан ва муайян сиёсатдир. Бу — дун'ёдаги барча мамлакатлар блан тинч ҳамкорликни янада кенгайтириш сиёсати, доим ўсиб бораётган тинчлик, демократия ва социализм лагерини мустаҳкамлаш сиёсатидир.

Биз зўр ишонч ва қат'ият блан олға, коммунизм ғалабаси сари бормоқдамиз. Коммунистик партия Маркс—Энгельс—Ленин—Сталин улуғ та'лимотига амал қилиб, Совет давлатини, унинг мудофаа қобилиятини доимо мустаҳкамлаётган, чунки Совет мамлакати капиталистик қуршов ичида яшаб турипти ва у бизнинг тинч қурилишимизга ҳалақит бермоқчи бўлган агрессорларнинг ҳарбир уринишига қақшатгич зарба беришга тайёр туриши лозим.

Коммунистик партия ишчилар блан деҳқонларнинг бузилмас иттифоқини, Ватанимиз халқларининг дўстлигини мустаҳкамлаётган, мамлакатнинг экономикасини янада яшнатиш, совет кишиларининг моддий аҳволини яхшилаш ва маданий савиясини юксалтириш ҳақида тинмай ғамхўрлик қилмоқда.

Коммунистик партия мамлакатимиз халқларини коммунизм қуриш йўлидан ишонч блан олға бошлаб бормоқда!

Модест Петрович Мусоргский

(Туғилганига 115 йил тўлиши муносабати блан)

Буюк рус композиторларидан бири Модест Петрович Мусоргский бундан 115 йил илгари Псков губерниясининг Тропецкий уездидаги Карев қишлоғида туғилди.

Мусоргский ҳаётининг дастлабки ўн йили Каревда ўтди. У, бу ерда ўрмон ва далаларни кезди, бу ерлардаги чуқур кўлларнинг бўйларида узоқ ўтириб кўмкўк сувларни завқ блан тамоша қилди, она-Россиянинг табиатини севишни ва унинг тасвирлаб бўлмайдиган гўзаллигини англашни ҳам мана шу ерда ўрганди. Композитор кейинчалик ўзининг автобиографик кундаликларида қуйидагиларни ёзган эди: «Энагамнинг бевосита та'сири остида рус эртаклари блан худди шу ерда яқиндан танишган эдим. Халқ ҳаётининг руҳи блан таниш шуним фортепианода чалишнинг энг оддий қоидаларини ўрганганимга қадар музика асарлари ижод этишга ундовчи асосий сабаб бўлди».

Бола фортепиано чалишни ўрганганига қадар ба'зибир кичик музика асарлари (пьесалар) ёзди ва унинг ижодий фантазияси рус халқ эртакларидаги поэтик образлардан озиқ олиб турди. Композиторнинг автобиографиясидан биз яна шуни биламизки, унга музика саводини дастлаб онаси берган. Бўлажак композитор онаси раҳбарлигида тезда катта ютуқларга эришади, етти ёшида Листнинг жуда қийин ёзилган айрим асарларини фортепианода чалар эди.

1849 йилда Мусоргский онаси Петербургга кўчиб келди. Бола бу ерда Петропавловский мактабига, кейинчалик «тайёрлов пансиони» деб аталган курсга кириб, уни қисқа муддатда тамомлагач, 1852 йилда гвардиячи подпрапорщиклар мактабига қабул қилинади. Мана шу йиллар давомида у энг яхши Петербург педагогларидан бири-профессор Герке раҳбарлигида фортепиано чалиш маҳоратини ошириб боради.

Олтмишинчи йилларнинг бошларида Мусоргский Н. А. Римский-Корсаков ва А. П. Бородинлар блан яқинлашади. Улар Балакирев атрофига уюшган, Балакирев тўгарагининг идеологи ва пропагандистларидан бири В. В. Стасов образли қилиб айтган «Қудратли тўда»га, шонли рус музикантлари ҳамкорлигига а'зо бўлиб кирадилар.

Бу ҳамкорликка а'зо бўлган улуғ рус композиторлари рус музикасининг ўзига хос миллий мустақиллиги, халқчилликнинг улуғ идеялари, сан'атнинг ҳаққонийлиги ва юксак ғоявийлиги учун курашда Глинканинг муносиб давомчилари бўлишга ҳаракат қилдилар. «Қудратли тўда» а'золари дун'ёқарашининг шаклланишида уларнинг Чернишевский, Белинский, Добролюбов ва Герцен асарлари блан танишишлари катта роль ўйнади.

Мусоргскийнинг 60 йилларда Некрасов («Калистратушка», «Еремушка алласи») ва бошқа шоирларнинг ше'рларига шунингдек ўз текстларига («Чирағим Савишна», «Етимча») ёзган романсларидаёқ реалист-композиторнинг жонажон халқи ҳаётини чуқур англаган улуғвор генийси яққол кўринди. Ўша вақтлардаёқ Стасовнинг Мусоргский романслари ҳақида: «улар ҳеҳқачон эскирмайди ва бир умрга рус халқининг бебаҳо мулки бўлиб қолади; бу картиналарнинг ҳаммаси халқ ҳаётидан, унинг жабру-жафолари ва шодликларидан олинган...» деб ёзиши бежиз эмас эди.

Олтмишинчи йилларнинг бошларида Мусоргский улуғ Француз ёзучиси Гюстов Флобернинг «Саламбо» романи сюжети асосида шу номли опера устида ишлайбошлади. Ёзиб тамомланмаган бу операда композитор ватан озодлиги учун ватанпарварлик кураши идеясини акс этдиришга ҳаракат қилди.

Броқ тезда композиторда бошқача фикр туғилди. Бу фикрни Мусоргский катта ҳурмат қилган, «музика ҳаққонийлигини ўргатучи улуғ устоз» сифатида инки романсини бағишлаган Даргомижский айтган эди. Мусоргский машҳур Гоголь комедияси «Ўйланиш» тексти асосида опера ёзишдан иборат бўлган бу мақсадни амалга оширишга киришар экан, Глинканинг синглиси Л. И. Шестаковага қуйидагиларни ёзган эди: «Менга худди шу нарса керак эди. Мен яратган иштирок этучилар саҳнада жонли кишилардек гапирсин, шундай гапирсинки, иштирок этучиларнинг характер, интонация кучи улар нутқининг музикали тўқимасини ташкил қилсин, мўлжалига тўппа-тўғри бориб етсин, я'ни менинг музикам инсон нутқининг барча позиклик ва латофатини бадиий равишда акс этдириб бериши керак...»

Мусоргскийнинг бу мақсади амалга ошмай қолди. «Ўйланиш» операсининг биринчи пардасини ёзган композитор (кейинчалик М. М. Ипполитов — Иванов операнинг яна уч пардасини ёзди, шундай қилиб, Мусоргский асари тугалланди ва совет давримизда босилди) бу ишни тўхтатиб, ўзининг энг улуғ асари «Борис Годунов» операсини ёзишга бутун кучи блан берилди. Бу асарнинг биринчи варианти 1868—1869 йилларда тугади.

Кейинги йилларда композитор бу опера устида яна ишлайбошлади, унинг сўнгги варианти 1872 йилда тугалланди. «Император театри идораси»да ўтирган чор чиновниклари Мусоргский яратган бу улуғ асарнинг саҳнага чиқишига қаттиқ қаршилик қилдилар. 1874 йил январидагина Глинканинг дўсти машҳур рус қўшиқчиси О. А. Петров ва бошқа илғор рус музика театрлари арбобларининг зўр бериб талаб қилишлари натижасида «Борис Годунов» операси Петербургда саҳнага қўйилди.

«Эски ва янги Русьнинг кураши, биринчисининг саҳнадан тушиши ва иккинчисининг яшашидир» — Стасов ўзининг Мусоргский ҳақидаги очеркида «Хованщина»нинг ғоявий моҳиятини мана шундай характерлаган эди. Бу сюжет композитор томонидан «Борис Годунов» сюжетидек талқин қилинган, я'ни ўз даврининг илғор ғояларини очиб бериш плани да ҳал қилинган эди.

Агар «Хованщина»даги князь Хованский

ВЛКСМнинг XII С'ЕЗДИ

20 мартда Катта Кремль саройида ВЛКСМнинг XII с'езди ВЛКСМ Марказий Комитети ҳамда Марказий ревизия комиссиясининг ҳисобот докладларини муҳокама қилишни давом этдирди.

Эрталабки мажлисда Украина ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари ўртоқ **Шевель** биринчи бўлиб сўз олди.

— Республика ёшлари, — деди у, — Украинанинг Россия билан қайта қўшилишининг 300 йиллигини нишонлаб, Украинанинг барча меҳнаткашлари билан биргаликда улуғ рус халқига унинг доимий қардошлик ёрдами учун самимий ташаккур билдирадилар. Украина ёшлари, бутун украин халқи рус халқи билан, барча қардош совет халқлари билан шонли дўстликни ғоят қадрлайдилар.

Украина саноатининг асосий тармоқларида бир ярим миллиондан ортиқ комсомол ва ишчи ёшлар ишламоқда. Республика саноати 1953 йилда 1950 йилдагига нисбатан икки марта кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарди. Бу соҳада ёшларнинг хизмати ҳам каттадир. Ярим миллиондан ортиқ комсомол қишлоқ хўжалигида ишламоқда, 32 мингдан ортиқ комсомол тракторчи ва комбайнчи бўлиб ишламоқда. Украина комсомол ташкилотлари чорвачилик фермаларини доимий ишловчи кадрлар блан мустаҳкамлашда, маккажўҳори етиштиришни кўпайтиришда партия ва совет органларига катта ёрдам бердилар. Ҳозирги вақтда маккажўҳори етиштируччи 9 мингдан ортиқ комсомол — ёшлар звеноси ташкил этилди. Украина комсомолларидан 11 мингдан ортиқ киши қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш учун Қозоғистонга жўнаб кетди.

Шу блан бирга, — деди ўртоқ Шевель, — комсомол ташкилотларининг ишларидаги жиддий камчиликлар ҳали йўқотилган эмас. Уларнинг кўплари социалистик мусобақа масалалари блан яхши шуғулланмаётирлар. Ёшларнинг меҳнати ва турмушини уюштиришдаги камчиликларни тугатиш соҳасида суст иш олиб бормоқдалар.

Ўртоқ Шевель ВЛКСМ Марказий Комитети аппаратининг ишларини танқид қилади. ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретарьлари, бўлим мудирлари жойларга онда-сондагина бориб турадилар, республика ва область комсомол органларига кам амалий ёрдам бермоқдалар.

С'езда ВЛКСМ Ленинград область комитетининг секретари ўртоқ **Шумилов** ёшларнинг шонли ишлари тўғрисида гапирди. Ёшлар Петер пролетарларининг бой революцион традицияларини муқаддас сақлаб ва ривожлантириб, техникани тараққий этдириш учун, а'ло сифатли маҳсулот ишлабчиқариш учун, машиналар, механизмлар ва асбоб — ускуналарнинг янги хилларини ўзлаштириш учун курашга ижодий ишлари блан қатнашмоқдалар. ВЛКСМнинг XI с'ездидан кейин ўтган давр ичида Ленинград ташкилоти 290 минг кишини ўз сафига қабул қилди. Шу давр ичида партия сафига қабул қилинган ўртоқларнинг 43 процентидан кўпроғини комсомоллар ташкил этади.

Ўртоқ Шумилов область ва район комсомол комитетларининг ишларидаги камчиликлар ҳақида гапиради. ВЛКСМ Марказий Комитети ташкилотчилик ишлари ўрнига кўпинча кўп миқдорда қарорлар чиқариш блан шуғулланаётганлигини айтиб Марказий Комитетни танқид қилади.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари ўртоқ **Муртазаевга** сўз берилади.

Ўртоқ Муртазаев айтадики, партия ва Совет ҳукуматининг ғамхўрлиги туфайли Ўзбекистон илғор социалистик республикага айланди. Ўзбекистон мамлакатнинг асосий пахта базасидир. 1953 йилда етиштирилган пахта урушдан аввалги миқдордан 70 процентдан зиёд ортиб кетди. СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетининг Ўзбекистон ССРда 1954 — 1958 йилларда пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисида яқинда қабул қилган қарорига мувофиқ, колхоз ва совхозларда етиштириладиган пахта 1958 йилда 4 миллион 200 минг тоннага етказилиши керак. Республикада Марказий Фарғонанинг ҳозирги вақтда суғорилмай бўш ётган ерларида, Амударёё этакларида, Сирдарёё ва Сурхондарёё ҳавзаларида янги пахтакор районлар вужудга келтирилади.

Комсомоллар ва ёшлар партия ва ҳукуматнинг пахтачиликни ривожлантириш тўғрисидаги қарорига амалий иш блан жавоб қайтармоқдалар. Сурхондарёё область комсомол ташкилоти 10 минг комсомолни Сурхон — Узун сув омбори қурилишига юборди. Наманган области комсомолларидан икки мингдан ортиқ киши Охунбобоев номли канални реконструкция қилиш ишларида қатнашиш учун жўнаб кетди. Февраль — март ойларида Қашқадарёё, Фарғона ва Самарқанд область комсомолларидан 20 мингдан ортиқ киши Эски ангар канали қурилишига жўнаб кетди.

Ўртоқ Муртазаев клубларнинг ишларини яхши йўлга қўйиш, ёшларга кино хизматини яхшилаш зарурлиги ҳақида гапиради. Айниқса қишлоқларда бадиий ҳаваскорлик ишлари сўст уюштирилган. ВЛКСМ Марказий Комитети ва Маданият министрлиги бу ишга яхши раҳбарлик қилиши, бадиий ҳаваскорлик тўгаракларини раҳбарларини тайёрлаш ишларини уюштириши керак.

Нотиқ Совет Ёзувчилари союзини танқид қилади. Совет ёзувчилари союзи республикадаги ёш ёзувчилар ва шоирларга ёрдам бермаётир.

С'езд делегатлари трактор бригадасининг бошлиғи ўртоқ **Каверин** нутқини э'тибор блан тингладилар. Ўртоқ Каверин Москва шаҳри ва Москва области комсомолларининг бундан бир ой илгари Катта Кремль Саройида ўтказилган йиғилишида Тамбов область Жердевский МТСида ўзи раҳбарлик қилган комсомол — ёшлар бригадасининг тўла составда Қозоғистонга жўнаб кетиш тўғрисида қарор қабул қилганлигини билдирган эди.

Эндиликда ўртоқ Каверин янги ерда — Павлодар области Ленин МТСида бригаданинг қандай ҳаёт кечираётганлиги тўғрисида сўзлаб бермоқда. Бу ерда комсомолларни самимий кутиб олдилар ва уларнинг самарали меҳнат қилаолишлари учун бутун шароитни яратиб бердилар.

— Яқинда, — деди у, — биз колхоз ерларини ишлаш учун жўнаб кетамиз. Биз ана шу кунни сабрсизлик блан кутмоқдамиз. Аммо ҳозир ҳам бекор турганимиз йўқ. Далаларни қор босганлиги тракторчиларнинг иш бошлашига халақит бермоқда. Тракторчилар далаларда қор сақламоқдалар, қўклам экишига яхши тайёргарлик кўришда МТС раҳбарларига ёрдам бермоқдалар. Бригада бу йил тўрт минг гектар қўриқ ерни ўзлаштириш ва бу ерларда мўл ҳосил етиштириш мажбуриятини олди.

ВЛКСМ Татаристон область комитетининг секретари ўртоқ **Шакирзянова** нефть саноатидаги комсомол ташкилотларига раҳбарлик қилиш масалаларига тўхталиб ўтди. Нефть конида ишловчи ёшларнинг эҳтиёжлари, — деди у, — йил сайин кўпаймоқда. Аммо, уларнинг эҳтиёжлари ҳали тўла қондирилмаётир. Нефть саноати ходимлари касаба союз Марказий Комитети ва Нефть саноати министрлиги ёш ишчиларнинг турмушини яхшилаш тўғрисида кам ғамхўрлик қилмоқда. Улар физкультура ва спортни ривожлантириш блан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этмаётирлар. Комсомол Марказий Комитети ёш нефтьчиларнинг иш тажрибаларини суст оммалаштирмоқда.

Ўртоқ Шакирзянова сўзининг охирида пионер ташкилотининг ишларидаги камчиликларни кўрсатди. Ўртоқ Шакирзянова ВЛКСМ Марказий Комитетининг мактаблар бўлими пионер вожатийлари блан ишлашга етарли э'тибор бермаётганлигини айтди.

Йўллар министрлиги Сиёсий бошқармаси бошлиғининг комсомол ишлари бўйича ёрдамчиси ўртоқ **Кисляк** транспорт комсомолларининг ишлари ҳақида сўзлаб берди. Ёш транспортчилар машинистларнинг оғир вазинли поездларни бошқариш ҳаракатида актив қатнашмоқдалар. Печора магистрали машинистлари орасида ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Бу магистралнинг машинистлари ўтган йил нормадан ташқари салкам 17 миллион тонна юк ташидилар. Ҳозирги вақтда бу йўл мамлакатда оғир вазинли поездлар қатновини уюштириш ҳаракатини кенг ёйишда илғор магистраль деб ҳисобланади. Ёш темирйўлчилар қишлоқ хўжалик машиналарини қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилаётган районларга ташишга айниқса катта э'тибор бермоқдалар, материалларни тез ташиш учун корхоналарнинг транспорт цехлари ишчилари блан мусобақа қилмоқдалар.

Ўртоқ Кисляк комсомол ишларидаги камчиликлар тўғрисида гапириб, кўпгина область ва ўлка комсомол комитетлари, шунингдек ВЛКСМ Марказий Комитети транспортдаги комсомол ташкилотларига кам э'тибор бераётганликларини та'кидлади. Комсомол Марказий Комитетининг ходимлари областьларга борганларида темир йўл ташкилотларида кам бўладилар.

ВЛКСМ Сталинград область комитетининг секретари ўртоқ **Богатирев** Сталинград ГЭСи қуручиларининг ажойиб ишлари тўғрисида сўзлади. У Волга—Дон канали қурилишида комсомол ташкилотлари тўплаган бой тажриба ГЭСдаги ёш қурувчилар ўртасида социалистик мусобақани қисқа вақт ичида кучайтириб юбориш имконини берганлигини та'кидлади. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, с'езд делегати бульдозерчи Василий Елисеев катта муваффақиятларга эришмоқда. У топшириқни икки-уч марта ошириб бажармоқда. Ўртоқ Башев бошчилик қилаётган земснаряднинг комсомол—ёшлар коллективи ва бошқа қурувчиларнинг ишлари ҳаммага ма'лум.

Ўртоқ Богатирев айтадики, қурилиш раҳбарлари, Электростанциялар ва электр саноати министрлиги меҳнатни уюштириш масалалари блан чинакам шуғулланиб, ёшларнинг маданияти ва турмуши тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилганларида ГЭС қурилишидаги ёшлар янада кўпроқ муваффақиятларга эришган бўлар эдилар.

Сталинградли ёшлар КПСС Марказий Комитети Пленумининг мамлакатда галла етиштиришни кўпайтириш ҳақида ҳамда қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш тўғрисида чиқарган қарорини қизғин мақуллядилар. Областьда салкам 400 минг гектар қўриқ ва бўз ер ўзлаштирилиши керак. Қаҳрамон шаҳар комсомоллари, ёшларининг биринчи группаси ҳозирданоқ совхозларга жўнаб кетди. Грозний, Пенза, Орёл ва бошқа областьларнинг комсомоллари партия томонидан қўйилган вазифаларни бажаришда актив қатнашиш учун Сталинград областига келмоқдалар.

Ўртоқ Богатирев қўриқ ерларни ўзлаштираётган ёш механизаторларнинг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини уюштиришни таклиф этди.

Озарбайжон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари ўртоқ **Гажиев** айтадики, ёшлар республика халқ хўжалигининг барча тармоқларида зўр ғайрат блан меҳнат қилмоқдалар. Ёш нефтьчилар қаҳрамонона меҳнат қилиш намуналарини кўрсатмоқдалар. 21 мингдан ортиқ ёш ишчи ўтган йили ишлабчиқариш планини муддатидан илгари бажардилар. Ёшлар ўртасида донгги кеттан кўпгина илғорлар, ишлабчиқариш новаторлари ўсиб етишди. Аммо илғор иш методлари ҳали кенг ёйилган эмас. Республика комсомоли меҳнат унумини ошириш учун суст кураш олиб бормоқда.

Ўртоқ Гажиев айтадики, ёшлар орасида қолоқ фикрларни тошучилар, меҳнат интизомини бузучилар ҳали ҳам бор. Ёшларни меҳнатга ҳалол ва виждонан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш соҳасидаги ишларни кескин суратда яхши йўлга қўйиш керак.

Республикадаги комсомол ташкилотлари Озарбайжон ёшларининг бошқа республикалардаги ёшлар блан алоқаларини кенгайтириш соҳасида катта иш қилмоқдалар. Бокудаги ёш нефтьчиларнинг делегациялари Бошқирдистон, Грозний, Бориславда бўлдилар. Улар бу шаҳарларда ўз тажрибалари блан ўртоқлашдилар ва кўпгина янги нарсаларни билиб олдилар. Республика пахтакорлари Ўзбекистон пахтакорлари блан ўртоқларча ўзаро ёрдам муносабатларини ўрнатдилар. Сумгаит металлурглари ўз иш тажрибаларини Никополь трубапрокатчилари блан доим ўртоқлашиб турадилар.

Бизнинг вазифамиз, — деди ўртоқ Гажиев, — ёшларни бундан буён ҳам қардошлик алоқаларини мустаҳкамлаш руҳида, кўпмиллатли давлатимиздаги барча халқларга муҳаббат ва ҳурмат блан қараш руҳида тарбиялашдан иборат.

Эрталабки мажлисда ВЛКСМ Хабаровск ўлка комитетининг секретари ўртоқ **Шчетинин**, ВЛКСМ Молотов область комитетининг секретари ўртоқ **Мельков**, Тожикистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари ўртоқ **Раҳимова** ҳам сўзладилар. (ТАСС.)

* * *

С'езднинг кечки мажлиси Печора темирйўли Воркут станцияси паровоз депосининг машинисти ўртоқ **Бескровний**нинг нутқи блан очилди. Печора магистралида ишловчи машинист комсомоллар бундан бир ярим йил илгари оғир вазинли поездларни бошқариб бориш учун, поезд вазнини 200 тонна ошириш учун мусобақа бошлаган эдилар. Ҳозирги вақтда кўпгина машинистлар оғир вазинли поездларни бошқариб бормоқдалар.

Поездларнинг тез қатновини уюштириш, — деди ўртоқ Бескровний, — коллективнинг ишидир. Биз, машинистлар поездларни тузмай, балки участка бўйича бошқариб борамиз. Станция ходимлари поездларни тайёрлаб берадилар. Аммо уларнинг ишлари шундай планлаштириладики, улардан поезднинг вазнини эмас, балки тайёрланган поездларнинг миқдорингина сўрайдилар. Биз, йўллар министри ўртоқ Бешченга мурожаат қилиб, станция ходимлари меҳнатининг уюштирилишини қайтадан кўриб чиқишни, оғир вазинли поездларни тузишда уларнинг манфаатдорлигини оширишни сўраймиз.

Ўртоқ Бескровний ўз нутқининг охирида айтадики, Заполярье ёшлари табиий шароити оғир бўлган ўлкани тез ва яхши ўзлаштириш учун бутун кучларни аямайдилар. Заполярье ёшлари меҳнат соҳасидаги муваффақиятлари блан Ватанни кун сайин қувонтирадилар.

ВЛКСМ Ёқутистон область комитетининг секретари ўртоқ **Атласовнинг** нутқи зўр э'тибор блан тингланди. Ёқутистон СССР халқларининг қардошларча ёрдами блан саноатлашган — колхозлашган республикага, ёппасига саводхонлар республикасига айланди.

Узоқ Шимолнинг комсомоллари ва ёшлари — ёқутлар, эвенклар, эвенлар, чўқчилар республиканинг мамлакатга кўпроқ минерал, кўмир, туз, ёғоч-тахта, юқори сифатли мўйна бериши учун актив курашмоқдалар, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга муваффақ бўлмоқдалар.

Ўртоқ Атласов ВЛКСМ Марказий Комитетини танқид қилади. ВЛКСМ Марказий Комитети жойлардаги ишларни яхши билмай, ва уларнинг хусусиятларига э'тибор бермай область ташкилотларига раҳбарлик қилмоқда. ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўрсатмалари Ёқутистонга ба'зан жуда кечикиб келади.

СССР Мудофаа министрлиги Бош сиёсий бошқармаси бошлиғининг комсомоллар ўртасида ишлаш бўйича ёрдамчиси ўртоқ **Шатуновга** сўз берилади.

Комсомол ташкилотлари, — деди у, — Совет Армияси ва Ҳарбий — Денгиз Флотининг жанговарлик қобилиятини оширишда катта роль ўйнамоқдалар. Қўшинларнинг айрим туларида комсомоллар шахсий составнинг кўпчилигини ташкил этади.

Армия ва флотдаги комсомол ташкилотлари ёш жангчиларни тарбиялашга катта э'тибор бермоқдалар. Улар қасамга содиқ бўлиш, юксак сиёсий онглилик, мардлик, жасурлик руҳида тарбияланмоқдалар.

Қуролли Кучлар сафидаги комсомоллар, деди ўртоқ Шатунов Коммунистик партияни ва Совет ҳукуматини ишонтириб айтадики, комсомоллар севикли Ватанимизнинг давлат манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан ўз зиммаларига юкланган вазифаларни барча совет жангчилари блан биргаликда бундан кейин ҳам шараф блан бажарадилар.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг Горькийдаги Молотов номли автомобиль заводидаги комсомол ташкилотчиси ўртоқ **Кропотов** мамлакатдаги ана шу энг йирик корхона комсомол ташкилотининг иш тажрибалари блан ўртоқлашди. Комсомол комитети ёшлар ўртасида социалистик мусобақани уюштирди, ёшларнинг э'тиборини цехларнинг бир текис ишлашига, меҳнат унумини оширишга ва маҳсулотнинг сифатини яхшилашга жалб этди. Ёшларнинг маданий — техника савияснини ошириш, илғор иш методларини жорий қилиш жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Кейинги йил ичида заводнинг ёш ишчиларидан мингдан ортиқ киши умумий ма'лумотни оширадиган ўқув юртларида ва техника та'лими шохобчаларида шуғулланди. Комсомоллардан 3617 киши социалистик мусобақада жуда катта муваффақиятларга эришганлиги учун уларга ўз касбининг моҳир усталари деган ном берилди.

Завод ёшлари ўртасида қишлоқ хўжалиги заказларини муддатидан илгари бажариш учун кураш қизиб кетди. Шу мақсадда комсомол постлари ва ёшлар бригадалари ташкил этилди. Заводнинг комсомоллари ва ёш ишчилари иш соатларидан кейинги вақтларда 3 мингта темирчилик — слесарьлик инструментинг қисмларини, кўпгина қархил материал ва детальларни тайёрладилар. Комсомолларнинг бир группаси Олтой, Қозоғистон ва Волга бўйи районларидаги қўриқ ерларни ўзлаштириш учун жўнаб кетди.

Кечки мажлисда Молдавия ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари ўртоқ **Константинов**, ВЛКСМ Марказий Комитетининг Москвадаги К. А. Тимирязев номли қишлоқ хўжалик академиясидаги комсомол ташкилотчиси ўртоқ **Хлебутин**, Қозоғистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари ўртоқ **Абдураззоқов** сўзладилар.

Ранслик қилучи — ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари ўртоқ **Аблова** мамлакатдаги комсомол ва ёшлардан с'езд номига жуда кўп телеграммалар олинаётганлигини билдиради. Бу телеграммаларда ВЛКСМ XII с'езди шарафига меҳнат соҳасида янги муваффақиятларга эришилганлиги ҳақида гапиралди. Кўпгина комсомол — ёшлар участкалари, бригадалар с'езднинг очилишини ишлабчиқариш соҳасида янги ютуқлар блан нишонладилар. Қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш учун жўнаб кетган комсомол — ёшлардан ҳам кўп телеграммалар олинди. Улар партиянинг комсомолга бўлган ишончини фидокорона меҳнат блан оқлаймиз, деб с'ездга ва'да берадилар.

22 март, душанба куни ВЛКСМнинг XII с'езди ўз ишини давом этдиради. (ТАСС).

СССРнинг Нидерландлардаги элчисининг Нидерландлар ташқи ишлар министрига баёноти

ГААГА, 19 март. (ТАСС). СССРнинг Нидерландлардаги элчиси С. П. Кирсанов 18 март Нидерландлар Ташқи Ишлар Министри Луис жанобларни ҳузурида бўлди ва Совет Ҳукуматининг топшириши блан мувофиқ, унга қуйидаги баёнотни қилди:

«Кейинги вақтларда Голландия матбуотида Нидерландлар ҳарбий ва ҳарбий-денгиз министри Стаф жанобларининг баёнотлари э'лон қилинган эди. Бу баёнотлардан ма'лум бўлишича, Нидерландлар Ҳукумати Нидерландлар территориясида АҚШ ҳарбий авиация базасининг вужудга келтирилишига ва америка ҳарбий ҳаво кучларини жойлаштиришга розилик берган.

Шу нарса тамомила аёнки, америка қуролли кучларининг Нидерландлар территориясида тинч вақтда жойлаштирилиши мамлакатни мудофаа қилиш мақсадлари блан ҳеч қандай алоқаси йўқ, чунки Нидерландларга ҳеч қандай ҳужум хавф тутдирмаётганлиги ма'лум. Халқаро муносабатларди кескинликни юмшатиш ва тинчликни мустаҳкамлаш чоралари кўрилаётган ҳозирги пайтда Нидерландлар ҳукуматининг бундай тадбирларини оқлаш асло мумкин эмас.

Совет ҳукумати тинчликни мустаҳкамлаш ва Европада коллектив хавфсизликни та'минлаш ишига катта аҳамият бериб, қуйидагиларга Нидерландлар ҳукуматининг э'тиборини жалб этиш зарур деб ҳисоблайди. Нидерландлар территориясида чет давлатларга ҳарбий базалар берилиши ва бу территорияда ажнабий қўшинларнинг жойлаштирилиши халқ аро вазиятни ва мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни яхшилашга са ёрдам бераолмайди».

Луис жанобларн Голландия ҳукумати Совет ҳукуматининг баёнотини қараб чиқиб, жавоб беражагини билдирди.

Германия Демократик Республикаси Министрлар советининг мажлиси

БЕРЛИН, 19 март. (ТАСС). Кеча Берлинда Германия Демократик Республикаси Министрлар советининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда республиканинг халқ корхоналарида махсус директор фонди барпо қилиш ҳақида қарор қабул қилинди. Бу фонднинг маблағлари ишчи ва хизматчиларнинг аҳволини яхшилашга, корхоналарда маданий ва спорт тадбирларини амалга оширишга, ҳамда ишлабчиқаришда эришилган ютуқлар учун пул блан мукофотлашга сарф қилинади.

Министрлар совети катта муваффақиятлар учун давлат мукофотлари тўғрисидаги қонун проектини ҳамда ватан олдидаги хизматлар учун орден та'сис этиш ҳақидаги қонун проектини ма'куллади.

Чехословакия халқ партияси президиумининг сайлов олдидан берган баёноти

ПРАГА, 19 март. (ТАСС). «Лидова демократие» газетаси Чехословакия халқ (католик) партияси президиумининг қарорини э'лон қилди. Қарорда миллий фронт ҳукумати юргизаётган сиёсат ма'қулланади. Президиум халқ партиясининг ҳамма а'золарини сайловолди кампаниясига актив қўшилишга ва миллий фронт кандидатлари учун овоз беришга чақиради. Президиум сайловолди кампаниясида халқ партиясининг а'золари амал қилишлари лозим бўлган шиорни олдинга сурди. Шиорда: «Миллий фронтга бирлашган ҳолда, Чехословакия Коммунистик партиясининг раҳбарлиги остида, мамлакатимиз меҳнаткаш халқининг бахтиёр ҳаёти учун, социализм сари, олга!» дейилади.

Болгария блан Франция ўртасида иқтисодий музокаралар

СОФИЯ, 19 март. (ТАСС). Газеталарнинг хабар беришича, 1 мартдан 16 мартгача Софида Франция ва Болгария делегациялари ўртасида савдо ва молия музокаралари олиб борилган. Бу музокаралар вақтида икки мамлакат ўртасида 3 миллиард франклик товар айирбошлаш ҳақида келишилган. Дастлабки келишувга биноан Болгария Францияга тамаки, атиргул мойи, маккажўхори ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари чиқаради.

Франция эса унинг эвазига Болгарияга зотли чорва моллари, уруғлик, колониаль моллар, металлар, тўқимачилик моллари, химия ва фармацевтика саноати маҳсулотлари, машина ва электротехника ускуналари келтиради.

Музокаралар тамом бўлгандан кейин чиқарилган ахборотда уқтириб ўтилишича, ҳамжиҳатлик вазиятида бўлиб утган молия музокаралари иккала мамлакат ўртасидаги бошқа ҳал этилмаган масалаларни кўриб чиқиш имкониятини берган. Иккала делегация савдо битимини узил-кесил расмийлаштириш ва тўловлар ҳақида битим тузиш учун уч ойдан кейин яна учрашади.

Франция Миллат мажлисида

ПАРИЖ, 18 март. (ТАСС). Франция Миллат мажлисида 1954 йилги ҳарбий бюджет проекти муҳокама қилинмоқда. Мамлакат молиявий-иқтисодий қийинчиликларни бошидан кечираётганлиги сабабли парламент ўтган йилнинг охирида бу проектни муҳокама қилишга киришаолмаган эди ва шу вақтгача ҳарбий харажатларни ҳар ой бўйича тасдиқлаш блан чекланиб келди.

Франция Коммунистик партиясининг парламент группаси номидан сўзга чиққан депутат, генерал Мальрэ-Жуэнвиль бундай деб уқтириб ўтди: «Европа армияси» деб аталган армияни тузиш баҳонаси блан Германияни қуроллантириш сиёсати, я'ни Франциядаги ҳукмрон доиралар томонидан ўтказилаётган сиёсат мамлакатни чинакам мудофаа қилишга ҳилофдир. Мальрэ-Жуэнвиль ҳукумат томонидан тақдим этилган проектни «четэл бюджети» деб, бу бюджет «талвасага тушиб қолган француз қуролли кучларини пул блан та'минлайди», деб характерлаб ҳарбий харажатларни 300 миллиард франк миқдорида камайтиришни ва бу маблағни уй-жой қурилишига сарфлашни таклиф этди.

Кечаги кечки мажлисда миллий мудофаа министри Рене Плевен нутқ сўзлади. У, ҳарбий бюджет проектини ҳимоя қилди.

«Либерасьон» газетаси социалист депутатлар ҳукуматнинг ҳарбий бюджет проектига қарши овоз беришга қарор қилганликларини билдиради. Газета мамлакат гитлерчи босқинчилардан озод қилинганидан кейин социалистлар биринчи марта шундай қарорни қабул қилдилар, деб та'кидлайди.

* * *

ПАРИЖ, 18 март. (ТАСС). Матбуотнинг билдиришига қараганда, «Франция армиясини ва Француз Иттифоқининг яхлитлигини сақлаш учун курашуччи миллий комитет»нинг миллат мажлиси депутатларидан генерал Омеран, Пьер Андре, де Моро-Джиаффери ва республика кенгашининг а'золари Буавэн-Шампо, Мишель Дебре ва Саллералардан иборат делегацияси бош министр Ланьель ҳузурида бўлган ва «Европа мудофаа бирлашмаси» Франциянинг хавфсизлигига таҳдид қилаётганлигини кўрсатиб, унинг э'тиборини шунга жалб этган.

Ана шу парламент а'золарининг баёнотида бундай дейилади: «Делегация чет давлатнинг Францияни «Европа армияси» деб аталган армия тўғрисидаги шартномани тасдиқлашга мажбур этиш мақсадида кўрсатаётган таз'йиқи муносабати блан ташвишланганлигини министрлар советининг раисига ма'лум қилди. Делегация мазкур шартномада конституцияга қасд қилинганлиги тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш ва бундан зарур хулосалар чиқариб олиш кераклигини кўрсатиб, министрлар совети раисининг э'тиборини шунга жалб этди.

Делегация комитет а'золарининг мазкур шартномани тасдиқлашга кескин суратда қарши чиқиш ниятида эканликларини билдирди...»

«Социал ҳаракат республика союзи» парламент группасининг раҳбарлари 16 мартда Ланьель ҳузурида бўлиб, «Европа армияси» тўғрисидаги шартномани тасдиқлаш масаласи юзасидан Миллат мажлисида музокара бошлашни тезлатиш ниятига қарши унга норозилик билдирганлиги ҳақида илгари хабар берилган эди.

Япония темир йўлларидаги хизматчиларнинг забастовкаси

ПАРИЖ, 19 март. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги мухбирининг Токиодан берган хабарига қараганда, бугун Япониядаги энг йирик темир йўл станцияларининг 28 минг хизматчиси касаба союзи раҳбарларидан 18 киши ишдан бўшатилганига қарши норозилик билдириш ва мукофот тўлаш ҳақидаги ўз талабларини қўллаб-қувватлаш юзасидан забастовка э'лон қилган.

Ҳинди-Хитойдаги уруш ҳаракатларининг тўхтатилиши учун

ПАРИЖ, 19 март. (ТАСС). Франс Пресс агентлигининг хабарига қараганда, Сайгоннинг бирқанча кўзга кўринган арбоблари манифест э'лон қилганлар. Манифестда улар Франция ҳукуматини Ҳинди-Хитойдаги уруш ҳаракатларини тўхтатишга чақирардилар. Манифестда айтилишича, халқаро вазиятдаги кескинлик юмшаганлиги ва Франция ҳам, Вьетнамда ҳам Ҳинди-Хитойдаги уруш ҳаракатларини тўхтатиш талаблари кучайганлиги сабабли манифестни имзолаган арбоблар Франция ҳукуматига «жанжали тинч йўл блан ҳал этиш ниятида экспедицион қўшинларга уруш ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисида буйруқ беришни» таклиф этадилар.

СССРнинг Қоҳирадаги миссиясини ва Миср Республикасининг Москвадаги миссиясини Элчихонага айлантириш тўғрисида

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Ҳукумати ва Миср Республикасининг ҳукумати ҳар икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсадида СССРнинг Қоҳирадаги миссиясини ва Миср республикасининг Москвадаги миссиясини Элчихонага айлантиришга қарор қилдилар.

ХРОНИКА

СССР Олий Советининг Президиуми ўртоқ Даниил Семенович Солодин СССРнинг Миср Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси қилиб тайинлади.

ОБ-ҲАВО МА'ЛУМОТИ

Бугун кундузи Хоразм области ва Қорақалпоғистон АССРда ҳавонинг деярлик булут бўлиб туриши кутилади. Ба'зи жойларда ёғингарчилик бўлиши ҳам мумкин. Температура 1—4 даража иссиқ бўлади. Бошқа областьларда эса, ҳавонинг ўзгариб туриши кутилади, ёғингарчилик бўлмайди. Температура 12—18 даража иссиқ бўлади.

«Тошкент ҳақиқати»нинг навбатдаги сони 24 мартда чиқади

Бюрократизм ва расмиятчиликка қарши

Меҳнаткашлар депутатлари район Советининг ижроия комитети маҳаллий совет органларининг фаолиятига раҳбарлик қилади, совет қонунларини изчиллик блан амалга оширади, гражданларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш блан, уларнинг ҳарбий сигналига э'тибор беради ва қишлоқ Советларининг ролини кўтаришда, кундалик ишида депутатларга ва активларга суяниб, бамаслаҳат иш олиб боради.

Район ижроия комитети сессияларда чиқарилган қарорларни турмушга татбиқ қилишда ҳартарафлама пухта фаолият кўрсатиб, хўжаликнинг барча тармоқларини чуқур ўрганиб, планли раҳбарлик қилиши керак.

Меҳнаткашлар депутатлари Оҳангарон район Советининг ижроия комитети районнинг барча тармоқларини чуқур ўрганмай, биртомонлама ишлаб, юзаки раҳбарлик қилмоқда.

Район областьнинг йирик чорва, галлакор, шу блан бирга пахтакор районлари ҳамдир. Район бирнеча йиллардан бери хўжалик планларини бажармайди. Ўтган йил пахта тайёрлаш плани ҳам бажарилмади. Бу — район ижроия комитетининг фаолият кўрсатиб ишламаслиги, қуйи Совет ташкилотларига бўш раҳбарлик қилиши орқасида юз берди.

Район ва қишлоқ Советларининг сессиялари Ўзбекистон ССР Конституциясида кўрсатилган муддатларда ўтказилмайди. Сессияда муҳокама қилинадиган масалалар юзасидан олдиндан депутатларни жойларга юбориб текшириш ўтказмайди. Доимий комиссиялар ўз ишлари ҳақида навбати блан сессияга ҳисоб бермайдилар. Район Совети ҳузуридаги 6 та доимий комиссия бирор масала юзасидан текшириш ўтказиб, битта ҳам қарор қабул қилмаган. Бюджет-молия доимий комиссияси раислигига халқ судининг раиси ўртоқ Мамат Қаюмов сайланган. Совет қонунчилигидан яхши хабардор бўлган ўртоқ Қаюмов бошқа доимий комиссияларга намуна кўрсатиши керак эди. Бироқ бу комиссиянинг ўзи ҳам ҳеч иш қилмайди. Қишлоқ хўжалик доимий комиссиясининг раиси йўқ. Халқ маорифи, маданий-оқартув, ободончилик, шунингдек бошқа доимий комиссияларда аҳвол ана шундай.

Район ижроия комитети хўжалик ва маданий-тарбиявий ишларни кенг миқёсда олиб бориб, маданий қурилиш ишларига раҳбарлик қилишда фаолият кўрсатиши керак. Шу блан бирга, Советларнинг ишини юксак даражага кўтармоғи зарур.

Афсуски, район ижроия комитети канцеляриячилик, расмиятчилик блан иш кўриши натижасида жиддий нуқсонлар юз бермоқда. Район Советининг сессиялари ва мажлислари пухта тайёрлик блан ўз вақтида ўтказиб турилмайди. Сессия ва мажлисларда халқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари бўйича, халқ маорифи, маданий-оқартув муассасаларининг ишлари, меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларига доир масалаларни тез-тез кўриб, чуқур муҳокама қилинмайди. Сессияда ҳамда ижроия комитети мажлисларида чиқарилган қарорларнинг амалга оширилиши учун курашилмайди. Бунинг устига район Совети сессиялари ва ижроия комитети мажлиси қарорларининг лойиҳалари мас'улиятсизлик ва бепарволик блан тузилади ҳамда қабул қилинади.

Район Советининг иккинчи сессиясида халқ маорифи ишларига доир масала муҳокама қилинган. Докладчи, район халқ маорифи бўлимининг мудири ўртоқ Раҳматов томонидан ёзилиб тақдим қилинган ва бошқа қарорларда ҳам бузиб ёзилган ноаниқ жумлалар уймаси жуда кўп.

Район Советинг учинчи сессияси жамоат чорвачилигини ривожлантиришни муҳокама қилган. Бу гал ҳам ишнинг тафсилотига чуқур диққат қилмай, мас'улиятсизлик блан ёзилган қарорда: «... отлар учун 3 та, қорамоллар учун 2 та, қўйэчкилар учун 13 та, чўчқалар учун 3 та, паррандалар учун 6 та (?!) сунъий қочириш пункти тузилсин...» сингари иборалар бор. Халқ маорифи, жамоат чорвачилиги ва шунинг каби масалалар юзасидан пухта ўйланмасдан, расмият учун ёзилган қарорлар, директивалар бажарилмай, кўпинча қоғозда қолиб кетмоқда.

Қишлоқ Советларининг сессиялари ҳам кечикиб, тайёргарликсиз ўтказилади. Телов қишлоқ Советида йил давомида ижроия комитетининг 4 марта мажлиси бўлган, 8 марта сессияси чақирилган. Октябрь қишлоқ Советининг сессиялари ҳам Конституцияга мувофиқ ўтказилмади. Олдин қишлоқ Совети (раиси ўртоқ Рустам Зоиров), Облиқ қишлоқ Совети (раиси ўртоқ Азим Мирзаев) ҳузуридаги доимий комиссияларнинг ишлаганликлари ҳақида гап бор, холос. Район ижроия комитетининг инструктори Хатам Маматов, район ижроия комитетининг секретари М. Ғиёсов ўртоқлар қишлоқ советларининг ишини ташкил қилиш, қарорлар